280495

# ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SANATI

1956 ЙИЛ 4 ЯНВАРДАН НАШР ЭТИЛА БОШЛАГАН

1995 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА — ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ — • СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН — 21 АПРЕЛ, №16 (3303)


*Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан*

## ТИНЧЛИК — УЛУҒ НЕЪМАТ

Мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқлол йўлида бир тан-бир жон бўлиб ҳалол меҳнат қилаётган халқимизга, келажак авлодга 1941-1945 йилларда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг унутилмас аҳамияти, унинг асл моҳиятини тушунтириш ҳамда етказиш маданий-маърифий муассасалар ходимларининг бурчидир.

Республика Маданият ишлари вазирлиги Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси, репертуар-таҳрир бўлими билан биргаликда Ғалабанинг 50 йиллигига тайёргарликни ўтган йилнинг апрел ойларида бошлаб юборган. Ушбу газетанинг ўтган йил 15 апрел сонида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб асарлар танловини эълон қилди. Улуғ Ватан уруши ва афғон уруши қатнашчилари, уларнинг мураккаб ҳаётлари, фронт орти меҳнаткашларининг жасоратлари каби мавзулар танлов мазмунини ташкил этади. Ўтган вақт мобайнида репертуар бўлимига танлов мазмунига мос бир қанча асарлар келиб тушди. Шуларнинг энг қизиқарли ва мазмунан Ғалабанинг асл моҳиятини очиб берувчи асарлар ҳайъат томонидан танлаб олинди. Жумладан, Ғиёс Комиловнинг «Уруш фарзандлари» асари етим болалар, уруш фарзандларининг суронли йилларда бағри кенг, саховатли ўзбекистонликлар қаноти остида қандай ҳаёт кечирганлари ҳақида ҳикоя қилади.

Хайрулла Иноғомовнинг «Ватан ўғлонлари» асарида уруш қаҳрамони, жасур ўзбек йигити Тўйчи Эрйигитовнинг ҳаёти ва жасорати тасвирга олинган.

Сотимхон Иномхўжаевнинг «Артиллерия генерали» асари биринчи ўзбек артиллерия генерали Файзулла Норхўжаев ҳақида.

Юқорида айтиб ўтилган асарлар таҳririятимиз томонидан қўпайтирилиб, республикамиздаги халқ театрларига тарқатилди. Шулардан С. Иномхўжаевнинг «Артиллерия генерали» драмаси Сирдарё, Жиззах вилоят халқ театрларида, Ғ. Комиловнинг «Уруш фарзандлари» асари эса Урганч туман халқ театрида саҳнага олиб чиқилмоқда.

Репертуар-таҳрир ҳайъати хазинасида сақланаётган Ҳайдар Муҳаммаднинг «Собир Раҳимов ва хоин» асари Хива халқ театрида, Абдужаббор Охуновнинг «Уч авлод учрашганда» театрлаштирилган томошаси Марғилон шаҳар «Нурхон» халқ театрида, Абдураҳим Комиловнинг «Оқ кабутарлар осмони» театрлаштирилган томошаси Қува шаҳар маданият уйида, Ҳусанбой Қаҳхоровнинг «Ўлимларни қолдириб доғда» театрлаштирилган томошаси Учқўрғон туман маданият уйида томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Шу кунларда республика маданият муассасаларида Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Сурхондарё вилоят Ангор ва Шўрчи туманларида раққос ва раққосалар ҳамда доирачилар ансамбларининг кўрик-беллашуви бўлиб ўтди. Унда оммавий рақс, якка рақс, якка доира, оммавий доира жанрлари бўйича ҳакамлар ҳайъати ва томошабинлар меҳрини қозонган ижрочилар маданият ишлари бошқармасининг махсус совринлари ҳамда фахрий ёрлиқларини олишга муваффақ бўлдилар. Шунингдек, кутубхоналар ўртасида «Маҳалладошим — урушда ғолиб қаҳрамон» кўрик-танловида ҳам кўплаб уруш фахрийлари қатнашиб, ўз хотираларини ёшларга сўзлаб бермоқдалар. Кутубхона ходимларининг бундай тадбирлари кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. Термизий номидаги вилоят кутубхонасида «Ўлмас халқ жасорати» деб номланган китоблар кўргазмаси фаолият кўрсатмоқда. Қашқадарё вилоят Саидо Насафий номидаги вилоят кутубхонасида уруш мавзуидаги бадиий асарларга бағишланган китоблар кўргазмаси, шунингдек, китобхонлар конференциялари бўлиб ўтади. Вилоят маданият ишлари бошқармаси, вилоят ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда Ғалабанинг 50 йиллигига бағишлаб бир пардали асарлар танлови ўтказилди. Энг яхши деб топилган асарлар шу кунларда вилоят халқ театрларида саҳналаштирилмоқда. Жарқўрғон боғида эса «Фахрийлар боғи» ташкил этилди.

Навоий вилоятида ҳам вилоят бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг дўстлик кўрик-танлови ўз ишини бошлади. Шу тумандаги тарихий музейда эса «Хотира китобини варақлаганда» деб номланган кеча бўлиб ўтди. Шунингдек, республика маданият муассасаларида «Оловли йиллар», «Улар Ватан учун жанг қилдилар», «Ватан остонадан бошланади» номли театрлаштирилган кечалар, суҳбатлар, учрашувлар ўтказилмоқда. Шунингдек, халқ амалий санъати ва фотоҳаваскорларнинг кўргазмалари ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда. Байрам арафасида «Кўзгуда Ўзбекистон» деб номланган фото тасвирчилар республика кўргазмаси Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтида очилади. «Замонавий қушиқлар» танлови ҳам байрам арафасида сўнгги босқичга чиқади.

Хуллас, республика маданий-маърифий муассасалари тинчликнинг қадр-қимматини, унинг ҳаётдаги энг улуғ неъмат эканлигини бугунги авлодга етказишда, уруш қаҳрамонларини хотирлаш ва уларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш борасида янада ранг-баранг тадбирлар уюштириш тараддудидалар.

**Рустам ХЎЖАЕВ,**
**Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғи**

СУРАТДА: Тамарахоним, Шукур Бурхонов ва Галия Измайлова

## АМИР ТЕМУРГА ЭҲТИРОМ

Беш асрки, улуғ саркарда, давлат арбоби Амир Темур шахсияти, юришлари ва давлатчилигига қизиқиш дунё халқларининг диққат марказида турибди.

Амир Темур ҳаёти-фаолиятининг хорижда урганилиши тўғрисида ҳозир кўп ёзилаётган бўлса-да, рус ёзувчиси И. С. Тургеневнинг улуғ соҳибқиронга муносабати хусусида гапирилмаган.

Маълумки, атоқли рус адиби Шарқ халқлари, айниқса, Туркистон тарихи, этнографияси, маданий меросига жуда қизиққан. У XIX аср рус, француз матбуоти материаллари билан чекланиб қолмасдан, 1841 — 1842 йиллари Бухоро амирлигида бўлиб, кейинчалик «Бухоро хонлигининг тавсифи» (1843), «Хива хонлиги ҳақида» (1873) каби илмий асарларни эълон қилган. Н. В. Хаников (1819 — 1878) билан шахсан таниш бўлган ва дўстининг темурийлар ҳақида сўз юритилган рисола, мақола, хатлари, китобларга ёзган тақризларини ўқиган.

И. С. Тургеневнинг Темур ва темурийларга муносабати ижобий, улуғ саркардага эҳтироми катта эди.

Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфман бошчилигида чор аскарлари 1868 йили Самарқандни босиб олганда, босқинчилар ўлим ҳамда жосус Н. В. Хаников тузган харитадан фойдаланганлари тарихий фактдир.

Чор империясининг юқори доиралари шарқшунос олим билан қизиқиб қолганлиги боис, «Хаников Самарқандга губернатор бўлармиш» деган миш-мишлар И. С. Тургенев яшаётган Парижгача етиб борган. 1868 йилнинг 8 январида адиб дўстига мактуб йўллаб, шундай деб ёзади: «Биласизми, мен нималарни эшитаяпман. Мен сизни Самарқанднинг губернатори деб, ХАЁЛАН ТЕМУР ВОРИСИНИ БУТУН МАҲОБАТИ БИЛАН ТАСАВВУР ҚИЛИБ ЮРСАМ (таъкид бизники — **К. М.**), айтишларича, Сиз Париждаги уйингизда бемалол ўтирган экансиз».

Демак, И. С. Тургенев «хаёлан Темур ворисини бутун маҳобати» билан тасаввур эта олган экан, улуғ саркарданинг ҳаётини билган. Негаки, XV асрдан бошланган Амир Темурнинг Овруподаги шуҳрати XIX асрда Россияда маълум бўлмаслиги мумкин ҳам эмас эди-да!

Рус ёзувчиси Бернгард Иксқюл Фиккелга (25.X.1882) йўллаган мактубида Милютиннинг (Полшада масъул давлат лавозимида ишлаган шахс) сўзларига асосланиб, бу арбоб ўзининг ишларини Амир Темурнинг ҳаракатларига қиёслаганини ёзади. Милютиннинг бу ўхшатишига сабаб бўлган воқеа — Полшадаги халқ қўзғолони бўлиб, у бу исённи бостирган ва бу ишини «қайғули зарурият» деб баҳолаган.

Амир Темур образи рус ижодкорининг доимо диққат марказида турган. Шу боисдан бўлса керак, орқа миясининг саратон касаллигига чалиниб, оғир аҳволда ётганига қарамасдан, Тургенев 1883 йилнинг август ойида Полина Виардога француз тилида айтиб туриб ёздирган ўзининг охирги «Тамом» сарлавҳали ҳикоясида яна соҳибқирон образига мурожаат қилган. Ҳикоя қаҳрамони Талагаев Платон Сергеевич (асли келиб чиқиши туркий бўлиб Россияда руслашиб, ўртоқлашиб

қолган) «Менинг бобокалоним Темур совға қилган зардўппи кийган», деб фахрланиб юради. Демак, адиб ҳикоясининг қаҳрамони Темурнинг ўз ота-бобосига совғасидан ғурурланиб юрар экан, муаллиф қаҳрамонига бу туйғуни муносиб кўрган, ҳақли деб билган. Бу — биринчидан. Иккинчидан, бу сўзлар Тургенев қаерда яшашларидан қатъи назар барча туркий халқларнинг вакиллари соҳибқирон Темур билан фахрланиб юрганларини билганини кўрсатади.

Фикримизча, ёзувчининг Амир Темур шахсига қизиқиб, у ҳақдаги маълумотларни урганишига тургеневлар шажарасининг туркий халқлар билан чамбарчас боғлиқлиги ҳам сабабчи бўлган бўлса керак. Чунки Россияда Тургенев фамилиясининг пайдо бўлиши 1440 йили Олтин Урдадан княз Василий Темнийнинг хизматига ўтган татар мирзаси номи билан боғлиқ. Тадқиқотчилар унинг исмини ҳар хил кўрсатишган (Лев Турген, Иван Турген, Иоанн Турген, Лев Турга).

Тургеневларнинг оилавий гербида ярим ой тасвири борлиги ҳам исовийлар (христиан) динини қабул қилгунча татар мирзаси мусулмон бўлганини билдиради.

Айтиш мумкинки, И. С. Тургенев Амир Темурнинг шахси, унинг давлат ишлари ва жанглардаги шижоати, тадбиркор, донишманд ва шу билан бирга, қаттиққўл, буюк инсон бўлганини билган, улуғ саркардага эҳтиром билан қараган.

**Карим МУСТАНОВ**

## МАҲРИФАТПАРВАР АДИБ

***Марказий Осиё халқларининг маънавий тараққиётига улкан ҳисса қўшган маърифатпарвар адиб ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 120 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланади. Бу ҳақда республика Вазирлар Маҳкамаси фармойиш қабул қилди. Мухбиримиз порлоқ келажак ва маърифат учун жон фидо қилган адиб фаолияти ҳақида, Беҳбудий юбилейини ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ректор муовини Шуҳрат ҒОЙИБНАЗАРОВ билан суҳбатлашди.***

— XX асрнинг биринчи чорагида Туркистоннинг энг машҳур кишиларидан бири бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўзининг ижодий ва ижтимоий-сиёсий фаолияти билан чет мамлакатларда ҳам маълум ва машҳур. Беҳбудий халқнинг бахту саодати, фаровонлиги, миллий мустақиллиги учун ҳаётини тиккан фидойи арбоб. Адибнинг салмоқли адабий ва ижтимоий фаолияти энг юксак эътиборга сазовордир. Шу маънода, унинг таваллуд кунини нишонлаш ҳақида ҳукумат фармойиши чиққани ғоят хайрли иш бўлди. Махсус юбилей комиссияси тузилиб, Узбекистон Фанлар академияси, Ёзувчилар уюшмаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази билан ҳамкорликда тадбирлар мажмуи белгиланди. Тадбирларда шу йил апрел ойида Узбекистон Киночилари уйида юбилей кечаси, Узбекистон Фанлар академиясида илмий конференция, Узбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий кеча, олий ўқув юртларида илмий-адабий анжуманлар ўтказиш мўлжалланган.

***— Маҳмудхўжа Беҳбудий бой маънавий мерос қолдирган. Шу ҳақда ҳам қисқача тўхтасангиз.***

— Беҳбудийнинг ижодий фаолияти ғоят серқиррадир. У газета ва журналлар, рисола ва мақолалар, китоблар чоп эттирган. 30-йиллардаги қатағонларга қарамасдан, бизгача Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг талайгина асарлари, мақола ва рисолалари етиб келган. У миллий, иқтисодий мустақилликни таъминлаш, буюк мақсадларга эришиш учун якдил бўлишни, юртни обод этиш, илм-техникани юксалтириш, ривожланган мамлакатлар билан тажриба алмашиш, ёшларнинг чет мамлакатларга бориб илм олишлари хусусидаги дадил таклифлари бизнинг бугунги кунимиз билан ҳам ҳамоҳангдир. Беҳбудий бир неча чет тилларни билган. Юқсак маданият соҳиби бўлиши билан бирга, умуминсоний маданиятнинг толмас тарғиботчиси ҳам эди. Унинг адабий меросини халқимизга етказиш мақсадида республика Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармойишига биноан 1995 йилда Беҳбудий асарларининг бир жилдлик, 1996-1998 йилларда эса уч жилдлик илмий, шунингдек, Беҳбудий ҳаёти ва ижодига оид асарларни нашр этиш, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрида адиб хотирасини абадийлаштириш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

***— Сизнингча, Беҳбудий ҳаёти ва фаолиятининг қайси жиҳатлари етарли тадқиқ этилмаган?***

— Таниқли адабиётшунос ва ёзувчиларимизнинг саъй-ҳаракатлари билан Беҳбудийнинг адабий, ижтимоий фаолияти ва адабий мероси муайян даражада илмий таҳлил қилинган ва бу иш ҳозир ҳам давом этмоқда. Бироқ, шуни таъкидлаш лозимки, тарихчи ва сиёсатшунос олимларимиз олдида XX асрнинг биринчи чорагида бўлиб ўтган воқеаларни таҳлил этиш, халқимизнинг Беҳбудий каби фидойи фарзандларининг ижтимоий-сиёсий қарашларини урганиш вазифаси турибди. Ўйлайманки, ватанимиз истиқлоли, мамлакатимизда маънавият масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилаётгани бу соҳада ҳам янги истиқболлар очиб беради.

**(ЎзА)**

## БАХШИНИНГ БАШОРАТИ

Ер уйғонмоқда...

Курраи замин қоинотнинг қаҳратон кўчаларидан сиргана-айлана ўтди. Рутубатли ҳуг ва ҳамал буржлари ортда қолди. Заминимиз наврўзий эпкинларга бағрини очиб, фазонинг яшиллик ва қут-барака манзили — савр буржи томон елиб бормоқда?..

Тупроқ тобга келиб, бободеҳқон далага кўчиб чиққанига анча бўлган. Ер кўклаб етибди.

Наврўз тантаналари ўтиб, далаларда экин-тикин бошланган баҳорий кунларда аҳли Узбекистон битта ташвиш билан: «Бу йил деҳқончилик қандай бўлар экан?» — деган ўй-хаёл билан яшайди. Яширимайлик, икки-уч ҳафта бурун одамлар орасида «йил қурғоқ келармиш» деган гап гимирлаб қолди, аммо икки-уч кун ўтар-ўтмас бундай гап-сўзлар ҳам ёмғир сувларига қўшилиб ер остига сингиб кетди.

***— Мард йигитлар, келди энди омадинг,***
***Белингга куч бўлсин шаҳду шиддатинг,***
***Жаҳонга танилсин қилган хизматинг,***
***Мустақил давлатим гуллаб-яшнагай!..***
***Ҳаййй, гуллаб-яшнагай!***

— Яшанг-э, бахши ота! — деймиз.

Бахши яна жўшади, эл-юртдаги тинчлик-омонлик, эркин меҳнат нашидаси, мустақил давлатчилик бахш этган гурур бахшининг илҳомига илҳом, ғайратига ғайрат қўшиб юборди, ҳамма нарсани шеър қилиб айтсам дейди, ҳамма тарихий воқеаларни достон қилиб қолдирсам дейди. Тўхтамай шеър айтади.

Чори бахши Ҳўжамберди ўғиллари! Сиз уни танийсиз. Жуда кўплаб достонларини олим-тилшунослар ёзиб олган, китоб қилиб чиқарган. Бугунги кунда манаман деб чақнаб турган оғзаки ижод, сўз усталаридан бири. Қирқ беш йилдан бери пахтачилик бригадасига раҳбарлик қилиб келади. Тўғилганидан бери далада, пахта ичида ўсган.

— Бу йил деҳқончилик ишлари яхши бўлаётир, — деб жавоб берди саволимизга бахши-бригадир. — Чигит экишни аллақачон тугатганмиз, олди бир текис униб чиқаётир. Юртбошимизга фақат раҳмат айтамиз! Деҳқоннинг дилини билган одам экан. Ҳадеб пахта экаверманг, тирикчиликка ярайдиган, рўзғорингда ишлатадиган экинларни ҳам экинглар деяпти. Мана, худога шукур, бугдойимиз бор ўн гектар, беш гектар арпа экканмиз, ўн гектар беда... Об-ҳавоми? Яхши, худо хоҳласа янада яхши бўлиб кетади, чигитларни бир текис ундириб олсак, бари ишимиз олга бўлади. Қатқалоқ йўқ. Ай болаларим-ай, сизлардай йигитлар ҳол сўраб келадию, биз қувонмай ким қувонсин?! Ҳа, шу келишларингниям шеърим-га қўшайин...

(Давоми 2-бетда)

## ИНСТИТУТДА ТЕАТР ОЧИЛДИ

***Тошкент маданият институти ўқитувчи ва талабалари кўпдан буён ўзларининг театрлари бўлишини орзу қилиб келишарди. Яқинда уларнинг бу орзуси амалга ошди. Институт Ёшлар Иттифоқининг ташаббуси билан «Туғён» театр студияси иш бошлади.***

***18 апрел куни институтда театрнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Уни институт ректори Азиз Тўраев очди. Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов ўқитувчи ва талабаларни қувончли воқеа билан табриклади, бундай хайрли ишни амалга оширган институт раҳбарияти ва Ёшлар Иттифоқига миннатдорчилик билдирди.***

***Кечада талабалар ўзлари саҳналаштирган интермедия ва спектакллардан парчалар кўрсатишди.***

***СУРАТДА: талабалар саҳнада.***
***С. МАҲКАМОВ суратга олган***

## МАЪМУРА КАМПИР ЎЗБЕКМИ?

### ДРАМАТУРГ ШАРОФ БОШБЕКОВГА ЖИНДАЙ КИНОЯЛИ МАКТУБ

Қадрли дўстим Шарофжон! Сиз бугунги ўзбек миллий драмтургиясининг истеъдодли ижодкорларидан бирисиз. Айниқса, 80-йилларда бир қатор ажойиб саҳна асарларингиз билан томошабинлар қалбидан жой олдингиз. Сизнинг муваффақиятларингиздан бир мухлисингиз сифатида доимо суюниб юраман. Суюнганда ҳам юракдан суюнаман.

«Узбекистон адабиёти ва санъати»нинг 14 апрел сонида эълон қилинган «Ижоднинг янги саҳифаси» мақоласини ўқиб билдимки, ижодингизнинг яна бир қирраси — кинорежиссёрликни намоён этибсиз. Бундан хурсанд бўлдик. Ўйлаймизки, кинода ҳам ажойиб филмларга режиссёрлик қиласиз. Яқинда республика телевиденеиси орқали берилган Сирдарё вилоят мусиқали драма театрининг «Маъмура кампир» спектаклини кўриб, ушбу мактубни ёздим. Сабаби: сиз фаранг драматурги Франсо асарини таржима қилиб, ҳатто номини «Маъмура кампир» деб атабсиз. Аввалига ҳайрон қолдим. Фарангларда ҳам Маъмура кампир бор экан-да деб.

Гапнинг очиғи, оддий мухлис сифатида асарни мириқиб томоша қилдиму, лекин айрим саҳналардан кўнглим тўлмади. Вилоят театри санъаткорлари деярли барча образларни маҳорат билан, маромига етказиб ўйнадилар.

Сиз таржима жараёнида фаранг миллатини, унинг урф-одатларини, турмуш тарзини ўзбеклаштириб қўйгансиз. Асардаги қаҳрамон, яъни персонажларнинг ҳам исмлари ўзбекча. Бундай қилишга қандай журъат этдингиз, қандай ҳаддингиз сиғди?..

Шарофжон, айтайлик, бирор фаранг драматурги сизнинг машҳур «Темир хотин» асарингизни таржима қилиб, асарингиздаги персонажларни француз номлари билан атаса, нафратингиз келмайдими? Бундан жаҳлингиз чиқиши турган гап. Ўзбек деҳқони дуппи урнига шляпа, калта шим кийса, тракторчининг хотини эса сочлари кесилган ва тўзиган, калта юбка кийиб саҳнада пайдо бўлишини бир кўз олдингизга келтириб кўринг. Бундан ташқари, чет эллик санъаткор қанчалар истеъдодли бўлмасин, ўзбек халқининг ички дунёсини саҳнада тўлақонли очиб беролмайди. Масалан, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор», Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» комедияларини французлар сиздек ўзларига мослаштириб саҳнага олиб чиқсин-чи? Ниҳоятда кулгили аҳволга тушиб қолишади.

Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрида чет эл драматургларининг асарлари ўзбек тилига ўгирилиб, саҳнага олиб чиқилганидан хабарингиз бор. Тагорнинг «Ганг дарёсининг қизи», Шекспирнинг «Отелло», «Ҳамлет», Софоклнинг «Шоҳ Эдип» асарлари шулар жумласидандир. Ўзбек санъаткорлари бу асарларни юксак маҳорат билан ижро этганлар.

Агар «Маъмура кампир» ўзингизнинг асарингиз бўлган тақдирда ҳам пиесада томошабинни қониқтира олмайдиган ва ишонтиролмайдиган саҳналар кўп. Ортиқча кўринишлар шундан иборатки, сизнинг «Маъмура кампир»ингиз ўзбек момоларидан мутлақо фарқ қилади. Асарда Маъмура кампирнинг шоир набираси бор. Ўзбек оиласидаги фарзандлар кампирнинг набирасидек жилпанглама йўқ, турли ҳурмача, қиликлар қилмайди. Айниқса, оила аъзолари олдида. Галварс, найнов, «шоир»ни бувиси ўйлантирмоқчи бўлганида, у ишшайиб: «Менинг ўстозим Навоий ҳам ўйланмаган», дейди. Асарда Навоий бобомизни тилга олиб ўтиш шартмикан?

Хуллас, фарангчадан таржима қилиниб, ўзбекчалаштирилган «Маъмура кампир» саҳна асари кўнгилдагидек бўлмабди. Қолаверса, бу асар томошабинларнинг ҳам энсасини қотирди. Лекин сизнинг нима сабабдан, нега бундай қилганингизни тушунмадим. Агар фурсат топсангиз тажрибангизда қайси мантиқдан келиб чиққанингизни ўзингиз тушунтириб берарсиз.

Ижодингизга муваффақиятлар тилаб,

**Искандар ФОЛКИН**

## 90 ДАҚИҚАДА... 20 МИЛЛИОН ДОЛЛАР!

Ҳа, ишонаверинг, профессионал спортда баъзан шунақаси ҳам бўлиб туради. Америкалик машҳур боксчи Майк Тайсон 1987 йилда кучли рақиблардан бири ҳисобланган Ларри Холмс устидан қозонган ғалабаси учун 20 миллион долларга эга бўлган эди. Гап шундаки, рингдаги бу олишув бор-йўғи бир ярим минут давом этган, холос.

Болалиги ниҳоят қийин ўтган, майда безориликлари, ўғрилик қилгани учун бир-неча бор қамоқхонага тушган Майк кейинчалик американинг энг машҳур спорт юлдузларидан бирига айланди. 20 ёшида профессионал боксда мисли кўрилмаган муваффақиятга эришди — Бербик Тейлорни енгиб жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлди. Жуда кўп боксчилар унинг аёвсиз, кутилмаган қақшаттич зарбаларига дош бера олмай бирин-кетин таслим бўла бошладилар. Майк ринг майдонида ҳам, телевиденеида ҳам, рекламада ҳам машҳурликка эришиб, мўмай-мўмай пул топа бошлади. Унинг номи оламаро машҳур бўлиб кетди.

Аммо, ҳаётда шунақа ҳолатлар ҳам борки, унга ҳатто миллион-миллион долларлар ҳам бас кела олмайди. Тайсоннинг омади юришгандан юришиб турган бир пайтда қора танли ёш бир соҳибжамол ҳали ҳеч ким енга олмаган Тайсон полвонни бир ишва билан маглубиятга учратди. Унинг бу «ишқий» ғалабаси машҳур боксчини ринг майдончасидан... қамоқхонага етаклади.

Ғўзаллар танловининг ғолибаси ўзини мажбуран зурлаганликда айблаб Майкни судга берди. Суд боксчини айбдор деб топди ва уни олти йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилди. Ҳозирча айбдор шу муддатнинг ярмини ҳибсда ўтказди ва айни пайтда тажрибали адвокатлари туфайли озод бўлишини кутмоқда. Бу кунни Тайсон билан бирга Американинг, бошқа бир қатор давлатларнинг кўплаб телекомпаниялари ҳам орзиқиб кутмоқдалар. Чунки, Тайсон яна профессионал боксга қайтмоқчи. Эчкига жон, қассобга ёғ қайғуси, деганлардай, Тайсоннинг бу нияти жиддий бўлса, демак, телеэкран олдига яна, бир вақтлар бўлганидек, миллион-миллион ишқибозларни йиғиш, жуда катта даромад ишлаб олиш мумкин.

Шундайликка шундайку-я, аммо орадан ўтган уч йил ичида бокс майдончаларида жиддий узғаришлар юз берди, янги-янги номлар, юлдузлар пайдо бўлди. Уч йил жанг қилмаган Майк уларга дош бера оларми-кин?

Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб бермоқда. Ҳали кўрасиз, Майк ҳаммасини мажақлаб ташлайди, деяётганлар ҳам бор. Улар Тайсоннинг қамоқхонада вақтни бекорга ўтказмагани, тинимсиз машқ қилгани, ўзининг жанговар ҳолатини деярли сақлаб қолганини яхши билишади. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай бўлди. Тайсон ҳибсда ётган чоғида Ислом динини қабул қилди, Александр Дюманинг кўп романларини ўқиб чиқди. Энг муҳими, мен фалончиман, дея кеч каймасдан ҳар соатига атиги 60 цент тўлашса ҳам, ҳоналарни супуриб-сидириб, ишлади. Спорт залида турли машқлар бажариб ўзини булажак жангларга ҳозирлади.

Тайсоннинг озодликка чиқиши яқинлашгани сари, бокс соҳаси тижоратчилари яна гимирлаб қолишди: Тайсоннинг биринчи жанги ким билан бўларкин, қачон бўларкин, қаерда бўларкин?.. Чунки, бу соҳадаги қонун-қоидаларга биноан, жаҳон чемпиони деган унвонга сазовор бўлишни орзу қилган номзодлар, бордию Тайсон ҳақиқатан ҳам рингга қайтса, барибир у билан тўқнашишларига тўғри келади. Бу жанг қандай тугашини олдиндан айтиш жуда қийин.

**«Труд» газетасидан олинди**

# ХОРИЖИЙ ШАРҚДАГИ СИЁСАТИМИЗ

Ўтган йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти 50 йиллик тўйини нишонлади. Одатда юки, меҳнати оғир кишилар камсуқум, камтар бўладилар. Шарқшунослар ҳам худди шу тоифадаги кишилардир.

Институт жаҳондаги энг муътабар, бообрў илм даргоҳларидан ҳисобланади. Бунда Марказий Осиё ва хорижий Шарқ халқларининг қадимий тарихи, илм-маърифати ва маданиятига оид 18 минг жилдга жамланган 40 мингдан зиёд қўлёзма асарлар, 30 мингдан ошиқ тошбосма китоблар авайлаб сақланади. Улар ичида дунёда энг қадимий ва ягона нусхадаги қўлёзмалар мавжуд. Жумладан, IX асрда китобат қилинган Қуръони Каримнинг қадимий нусхаси, жаҳонда ягона нусха бўлмиш Абу Бакр ар-Розийнинг кимё фанига доир «Китоб сирр ал-асрор» («Сирлар сири китоби»), машҳур алломалардан Ибн Салломнинг X асрда ёзилган «Ғариб ул-ҳадис» асари, Ибн Мисхавейхнинг «Тажориб ал-умам» («Халқлар тажрибаси», XI аср) сингари ўнлаб, юзлаб қадимий қўлёзмалар институт фондида сақланади. Шунингдек, миллатимизнинг фахри-ғурури бўлмиш бу миллий хазинада Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Улуғбек, Бобур, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Амир Хисров Деҳлавий каби буюк мутафаккирларнинг жаҳонга маълум ва машҳур асарлари бор.

Қўлёзма асарларнинг аксарияти араб, форс, турк, эски ўзбек тилларида куфий, насх каби оғир ва мураккаб хатларда битилган бўлиб, уларни ўқиш, тушуниш, тўғри таржима қилиш, мағзини чақиб, тадқиқ этиб, китобхонга етказиш масъулиятлидир. Зотан, шарқшунослик илми — игна билан қудуқ қазимоқнинг худди ўзи. Беназир, фидойи ўзбек шарқшунослари илми ғайб қудуғидан не-не машаққатлар билан чиқарилган оби замзамдан миллатимизни, халқимизни баҳраманд этмоқдалар. Афсуски, ўзбек шарқшунослик фанига асос солган, уни ривожлантирган кекса аллома мударрисларимиз оламдан ўтдилар. Марҳум Абдуфаттоҳ Расулов, Ибодулла Одилов, Александр Семенов, Алфред Арендс, Содиқ Мирзаев, Абдуқодир Муродов, Абдулла Жувонмардиев, Шорасул Зуннунов, Абдулла Носиров, Юнусхон Ҳакимжонов сингари захматкаш олимлар Шарқ илм-маърифатини жаҳонга кўз-кўз қилдилар. Улар ва шогирдлари тайёрлаб, нашрдан чиқарган Ибн Синонинг 5 жилдлик «Тиб қонунлари» асари, Абу Райҳон Беруунийнинг 6 жилддан иборат асарлар мажмуаси, Муҳаммад ал-Хоразмийнинг «Танланган асарлари», Улуғбекнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» асари ва бошқа ўнлаб нодир ва ноёб тадқиқотлар жаҳон илм аҳлига ғоят маъқул ва манзур бўлди. Кекса шарқшунос мударрисларимиздан сўнг, уларнинг илмий фаолиятларини бир гуруҳ иқтидорли шарқшунослар бойитдилар. Буларнинг фидокорона меҳнати туфайли ўнлаб, юзлаб қадимий қўлёзма асарлар таржима қилиниб, тадқиқ этилиб, халқимизга тортиқ этилди. Бу олимларнинг муборак номларини барча илм аҳли яхши билади. Мен фақат бир муътабар инсон, улуғ олим Убайдулла Каримовни тилга олишни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан. Машҳур Абу Бакр ар-Розий, Ибн Сино, айниқса, Абу Райҳон Беруунийнинг мангу асарлари Убайдулла аканинг куч-ғайрати, қомусий илми, беҳад меҳнати туфайли илм аҳлига туҳфа этилди. Таниқли адабиётшунос олим Азизхон ака Қаюмовнинг таъриф-ларича, Убайдулла Каримов Беруний асарларини қайта тиклаб, тиритирган замонамизнинг Беруунийсидирлар. Биз, ўзбек шарқшунос олимлари, у кишининг ақл-заковатига, қомусий илмига, истеъдодига ҳамда одамийлигига тан берамиз, таъзим қиламиз. Ҳурматли Президентимиз Ислом Каримов Бобур номидаги олтин медални Убайдулла Каримовга топширар эканлар, олимнинг илмий жасоратига ғоят юқори баҳо бердилар.

Қадимий қўлёзма манбаларни ўрганиш, таржима ва тадқиқ этиб, нашр қилиш — Шарқшунослик институтининг энг муҳим мақсад ва вазифаси бўлса, хорижий Шарқ мамлакатларини ўрганиш — иккинчи зарурий вазифадир. Биз бу мақолада Осиё ва Африка халқлари тарихини ўрганиш, миллий-озодлик ҳаракатларини ҳамда мустақил давлатларнинг социал-иқтисодий муаммоларини таҳлил этиш борасида эришилган ютуқлар ва камчилик, нуқсонлар ҳақида гапирмоқчимиз.

Қўлёзма асарлар билан машғул бўлган манбашуносларимизнинг меҳнати қанчалик оғир ва машаққатли бўлса, шарқшунос тарихчиларимизнинг меҳнати ҳам шунчалик оғир ва машаққатлидир. Яхши шарқшунос-тарихнавис бўлмоқ учун, аввало ўз Ватани тарихини пухта билмоқ, ўзга давлат тарихи ва тилини мукаммал ўрганмоқ лозим, шунингдек, чет тилларидаги манбалар ва адабиётларни бемалол ўқиши, таҳлил этиши керак, архив манбалари ва ҳужжатларидан тўғри фойдаланиши, яъни уларнинг асл нусхаларини ажрата билиши, тўғри ёки нотўғрилигини аниқлай билиши даркор. Шарқшунослик институтида ана шу хислат ва фазилатлар соҳиби бўлмиш тарихнавис олимларнинг иқтидорли авлоди етишиб чиқди. Уларнинг иши-билими машҳур Москва, Санкт-Петербург шарқшуносларининг илми-билимидан қолишмас, баъзи соҳаларда эса, улардан юқори ҳам туради. Шунингдек, ўзбек тарихнавис-шарқшуносларига Боку, Ереван, Душанбе, Тбилиси шарқшуносларининг ҳам тан бериб, ҳавас қилганлар.

Таниқли олимлардан профессор Абдусамат Бобохўжаев ва Марат Бобохўжаев, профессор Илёс Ҳошимов ва марҳум Илёс Низомиддинов, профессор Михаил Пикулин ва марҳум Юра Пономарев, тарих фанлари докторлари Тамара Абаева, Маъмуржон Нишонов, Рауф Рашидов, Марина Кутина, тарих фанлари кандидатлари Дониё Валиева, Баҳриддин Маннонов ва бошқалар яратган илмий асарлар чет элларда ҳам маълумдир. Шарқшунослик институти заминида Ўзбекистонда ҳиндшунослик, афғоншунослик, эроншунослик ва арабшунослик мактаблари барпо этилди. Тарихнавис-шарқшуносларнинг куч-ғайрати, фидойи меҳнати билан жуда кўп илмий-тадқиқотлар нашр этилди. Масалан, тахминан 100 га яқин монографиялар, 100 дан ошиқ рисолалар, 50 дан зиёд мақолалар мажмуаси ва 1000 дан ортиқ илмий ва илмий-оммабоп мақолалар босмадан чиққан. Улардан энг муҳимлари чет элларда ҳам нашр этилди.

Кейинги йилларда етишиб чиққан бир гуруҳ истеъдодли шарқшунос адабиётчи олимлар ҳам ўз соҳаларида самарали ишладилар. Хорижий Шарқнинг ҳозирги адабий муҳити, оқимлари ҳақида, таниқли шоир, ёзувчи ва адибларининг ҳаёти, ижодига оид кўплаб жиддий асарлар яратдилар. Бу асарларнинг аксарияти Шарқ ва Ғарб адабиётшуносларига манзур бўлди. Шуниси қувонарлики, институтимизга ташриф буюрган ҳурматли Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов шарқшуносларнинг меҳнатидан ва илмий маҳсулидан мамнун бўлдилар.

Лекин, афсуски, ўзбек шарқшунослари эришган ютуқлар собиқ совет ҳокимияти манфаатларига хизмат қилди. Маълумки, коммунистик ғоялар ва совет тузуми ҳукмронлик қилган даврда бошқа ижтимоий фанлар каби шарқшунослик фани ҳам коммунистик тузум хизматида эди. Барча гуманитар олимлар, жумладан, биз — шарқшунос олимлар ҳам аввало, совет ташқи сиёсатини кўкларга кўтариб мақтадик, жаҳонда энг одил ва беғараз сиёсат - бу совет ташқи сиёсати, деб оламга жар солдик. Ҳатто, чоризмнинг босқинчилик, мустамлакачилик сиёсатини ҳам оқлаб келдик. Биз Петрнинг Кавказ, Ўрта Осиё ва Шарқ ўлкаларини эгаллаш тўғрисидаги васияти борлигини «сир тутдик». Чор Россияси Петрнинг васиятларини амалга ошира бориб, Марказий Осиё ва Кавказни босиб олсада, хорижий Шарқ давлатларига бир неча бор ҳамла қилса-да, биз бундай босқинчилик ҳаракатини прогрессив ҳодиса деб баҳоладик.

Маълумки, совет ҳокимияти барпо этилган дастлабки йилларда совет давлати чор ҳукуматининг мустамлакачилик, босқинчилик сиёсатини кескин қоралаган эди. «Россия ва Шарқнинг барча меҳнаткаш мусулмонларига» аталмиш махсус мурожаатномада барча халқларнинг эрк-озодлиги ва тенглиги тантанали эълон қилинган эди. Шунингдек, бу мурожаатномада Россиянинг барча Шарқ давлатлари билан бўлган асоратли, адолатсиз битим ва шартномалари бекор қилиниб, совет давлати барча мусулмон элатлар ва халқлар билан ўзаро тенг ҳуқуқли, манфаатли дўстона муносабатлар ўрнатажагини эълон қилган эди. Бироқ, совет давлати мустаҳкамланиб, ривожланган сари унинг ташқи сиёсат мақсадлари ҳам ўзгара борди. У Осиё ва Африка қитъаларида ўз таъсир доирасини кенгайтиришга, ҳарбий-стратегик ҳамда сиёсий-иқтисодий устунликларга эга бўлишга интилди. Ўз мақсад-ниятларини амалга оширмоқ учун Ғарб давлатларининг мустамлакачилик сиёсатини қоралашга, фош этишга қаттиқ киришди. Айни пайтда, капитализм, империализм системасига, тузумига қарши сиёсий, иқтисодий ва ғоявий кураш авжига чиқди. Совет тузумининг афзалликлари, порлоқ келажаги ҳақида тарғибот ва ташвиқот мамлакат ичкарисида, айниқса чет элларда кучайиб кетди. Совет раҳбариятининг кўрсатмаси билан «нокапиталистик тараққиёт йўли» аталмиш ленинча сохта таълимот ўйлаб топилди ва ишга солинди. Барча ташқи сиёсат органлари, шунингдек, гуманитар фан ходимлари, айниқса шарқшунослар «нокапиталистик тараққиёт йўли» озодликка чиққан хорижий Шарқ давлатлари учун ягона истиқбол йўли, дея уларни ишонтирмоқчи бўлдилар. Бу таълимотга бағишланган, уни тарғиб, ташвиқ этувчи минглаб илмий асарлар ёзилди. КПСС ва совет ҳукумати Осиё ва Африка давлатларини социалистик йўлга мойил этиш учун барча сиёсий, иқтисодий ва ғоявий чора-тадбирларни кўрдилар. Бироқ, ҳаёт оқибат-натижада бу таълимотнинг пуч ва сохта эканлигини кўрсатди. Нокапиталистик ривожланиш йўлига зўрлаб буриб юборилган Эфиопия, Сомали, Гвинея, Мозамбик, Мўғилистон, Лаос сингари давлатлар қолоқлик ботқоғига ботиб қолдилар. Капиталистик тараққиёт йўлига тушиб олган Филиппин, Жанубий Корея, Сингапур, Малайзия, Таиланд каби мамлакатлар эса, баъзи соҳаларда Ғарб давлатларидан ҳам ўзиб кетдилар.

Собиқ совет давлати мустақил Шарқ давлатларини иқтисодий-техника ёрдами билан ҳам ўзига мойил этишга, оғдириб олишга кўп ҳаракатлар қилди. Ўнлаб мамлакатларда совет кўмаги билан юзлаб саноат корхоналари, қишлоқ хўжалик иншоотлари барпо қилинди. Маҳаллий кадрлар тайёрлашда ҳам совет ёрдами катта бўлди. Лекин, аксарият совет корхона ва объектлари Ғарб қуриб берган корхона ва объектлардан технология ва техник жиҳозланиш жиҳатидан қолоқроқ эди. Шундай бўлса-да, биз совет ёрдамининг афзалликларини зўр бериб мақтайвердик, кўпроқ Ғарб кўмагига суянган давлатларни эса ёмонладик. Аксарият мустақил давлатларни ўз паноҳига олиб, уларга катта моддий ёрдам бераётган Ғарб давлатларини «неоколонializм», яъни янги мустамлакачиликда айбладик. Улар Осиё ва Африкани қайта сиртмоққа солиш, забт этиш мақсадида янгича мустамлакачилик сиёсатини ишга солмоқдалар, дея оламга жар солдик. Бу борада ҳам юзлаб, минглаб китоблар, рисолалар яратилди.

Биз, олимлар совет давлатининг хорижий Шарқдаги очиқдан-очиқ босқинчилик хуружларини ҳам адолатли сиёсат дея, оқламоқчи бўлдик. Жумладан, Афғонистонга қўшин киритилишини Совет Иттифоқининг байналмилал бурчи, деб билдик ва жаҳон жамоатчилигини шунга ишонтирмоқчи бўлдик.

Ўзбек шарқшунослари Марказий Осиё халқлари билан хорижий Шарқ халқлари ўртасидаги қадимий дўстона алоқаларга доир кўпгина илмий ва илмий-оммабоп асарлар яратдилар. Афсуски, бу тадқиқотлар ҳам марксизм-ленинизм ғоялари, методологиясига асосланиб ёзилди, яъни совет ҳокимиятининг манфаатларига мослаштирилган асарлар эди. Шундай қилиб, барча ижтимоий фанлар каби, шарқшунослик фани ҳам КПСС ва Совет давлатининг кўрсатмасини бажариб келди.

Шукурлар бўлсинким, совет тузумининг барбод бўлиши ва ватанимиз мустақиллиги туфайли биз олимлар ҳам оғир мажбуриятдан холос бўлдик. Зотан, умумбашарий тарихий жараёнларни, ҳар бир жамият тараққиётини, жумладан, хорижий Шарқ мамлакатлари ва халқлари тарихини оқилона ва одилона, ҳаққоний ва холис ёритадиган замон келди.

Эндиликда барча гуманитар фан ходимлари қатори биз — шарқшунослар ҳам эскича фикрлаш, эскича таҳлил ва тадқиқотлардан, эскича ғоявий ўлчов, метод ва усуллардан батамом воз кечишимиз даркор. Илгариги хато ва нуқсонларни бартараф қилишимиз керак. Аввало, чор Россиясининг хорижий Шарқдаги босқинчилик сиёсатини фош этиш лозим. Шунингдек, собиқ совет давлати олиб борган ташқи сиёсатнинг асл мақсад ва вазифаларини очиб бериш керак. Айни пайтда, Осиё ва Африкадаги ҳозирги сиёсий-ижтимоий ва социал-иқтисодий жараёнларни, мустақил давлатларнинг ташқи ва ички сиёсатини чуқур ва мукаммал ўрганишимиз даркордир. Барча ижтимоий фан ходимлари каби, шарқшунослар ҳам, аввало, Ватанимиз ва халқимизнинг миллий манфаатларига хизмат қилмоғи фарз ва қарздир. Илмий тадқиқотларимиз, асарларимиз Ватан мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон билан Шарқ давлатлари ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга ҳисса қўшмоғи шарт.

Маълумки, мустақиллик туфайли Ўзбекистоннинг халқаро обрў-эътибори ошиб бораяпти. Ғарб ва Шарқ давлатлари Ўзбекистон билан иқтисодий ва маданий ҳамкорлик қилиш сиёсатини юргизяптилар. Давлатимиз, шахсан Президентимиз Осиё ва Африка мамлакатлари билан ҳамкорликка, дўстлашишга жиддий эътибор бераптилар. Табиийки, ҳар бир давлат ташқи сиёсатининг илмий-амалий дастури бўлади. Ташқи сиёсат илмий дастури ниҳоятда пишиқ-пухта, бехато, бенуқсон бўлиши лозим. Айниқса, хорижий Шарқ давлатларига мўлжалланган дастурнинг Ғарб мамлакатларига мўлжалланган дастурдан фарқи катта, албатта. Дастур муаллифлари Шарқ дипломатиясининг ўзига хос нозик томонларини назарда тутишлари лозим. Дастурда ҳар бир мамлакатнинг тарихи, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий аҳволи, синфлар, табақалар ҳамда қабилаларнинг мавқейи, нуфузи, аҳолининг урф-одатлари, миллий анъаналари, қадриятлари чуқур таҳлил этилиши зарур. Шунингдек, дастур муаллифлари Ўзбекистон билан хорижий Шарқ мамлакатларининг қадимий алоқаларини ҳамда Шарқ ўлкаларининг Ғарб давлатлари билан муносабатларини мукаммал билишлари керак. Ана шундай баркамол илмий дастурни яратиш ва уни амалга оширишда шарқшунос олимларимиз фаол иштирок этишлари лозим.

Ташқи сиёсат дастуридан ташқари, дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш ва ривожлантиришда ҳам шарқшуносларнинг роли ва иштироки муҳимдир. Дипломатия — ғоят масъулиятли ва шарафли давлат иши. Ўзбекистондек катта нуфузли, бообрў давлатнинг манфаатларини амалга ошириш, ҳимоя қилиш осон кечадиган иш эмас. Ўзбек дипломати, аввало ўз Ватанини жондан севиши, ўз тарихи, маданияти, илму-фанини, она тилини мукаммал билиши шарт. Шарқ дипломатиясининг ўзига хос хислат ва фазилатлари, қонуниятларини яхши ўзлаштирган бўлиши лозим. Шунингдек, Шарқ тарихи, маданиятининг билимдони, шарқона ахлоқ-одоб, урф-одатлар, шарқона турмуш тарзини яхши тушунадиган, Шарқ халқларининг тилидилини биладиган донишманд бўлиши зарур. Айни пайтда ўзбек дипломати жаҳон сиёсатини чуқур таҳлил этадиган сиёсатдон, Ватан ташқи сиёсатини моҳирона амалга оширадиган сиёсатчи арбоб бўлиши керак. Ана шундай ҳақиқий устомон дипломатларни тайёрлаш ва етиштиришда ҳам шарқшунос олимларимизнинг иштироки зарурдир.

Маълумки, хорижий Шарқ билан муносабатларимиз ривожланган сайин Ўзбекистон ва Шарқ халқларининг бир-бирларини тушуниш, билиш иштиёқи кучая бораси. Узаро маданий, туристик алоқалар, илмий ҳамкорликлар, ахборот алмашувлари авж олади. Бу борада ҳам шарқшуносларнинг фаоллиги ва ташаббуси лозим. Чунончи, улар республика жамоатчилигини хорижий Шарқда содир бўлаётган воқеалардан хабардор этиб туришлари керак. Собиқ советлар даврида ташқи сиёсат ва халқаро аҳволга оид хабарлар Москвадан русча келарди. ТАСС шарҳлари ва хабарларининг қисқартирилган таржимаси матбуотимизда босиларди. Бинобарин, жамоатчилик Осиё ва Африка тўғрисида тўлиқ ахборот ололмас эди. Ўзбек шарқшуносларининг ўзбекча рисолалари, мақола ва суҳбатлари кўпинча чекланган бўларди. Эндиликда, Ватанимиз мустақил бўлгач, шарқшунос олимлар учун бу борада кенг имкониятлар очилди.

Шулар баробарида, янги-янги режалар, вазифалар билан бирга, олдимизда қатор муаммолар ҳам кўндаланг бўлиб турибди. Хўш, уларни бажармоқ, амалга оширмоқ, муаммоларни ҳал этмоқ, шарқшунослик фанини янада ривожлантирмоқ учун қандай чора-тадбирлар лозим?!

Шарқшунослик фани олдида турган энг долзарб муаммолардан бири — бу кадрлар муаммосидир. Шарқшунослик илмий-текшириш институтидаги аксарият ходимлар 1950 — 1970 йилларда Москва, Ленинграддаги шарқшунослик мактабларида таълим-тарбия олган олимлардир. Афсуски, ҳозир уларнинг кўпчилиги кексайиб қолди. Уларнинг ўрнини босадиган муносиб ёшлар жуда оз. Чунончи, ҳиндшунослар, афғоншунослар орасида 30 — 40 ёшдаги истеъдодли олим йўқ, бирорта ҳам эроншунос ёш олим топилмайди. Арабшунослик ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Тўғри, Тошкент Давлат университетининг собиқ Шарқ факултетида ва ҳозирги Давлат Шарқшунослик институтида кўплаб малакали шарқшунослар тайёрланди ва тайёрланмоқда. Лекин, ёш кадрларнинг илм-фан билан, шарқшуносликдек оғир ва масъулиятли касб билан шуғулланишга ҳоҳиш-иштиёқлари камроқ. Албатта, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар кадрлар тайёрлаш масаласига салбий таъсир кўрсатмоқда. Лекин, жаҳон илм-фан аҳли орасида шуҳрат қозонган Шарқшунослик институтининг келажаги нима бўлади? Ахир, узоғи билан 5-10 йил орасида кекса олимларимиз меҳнатдан қолишлари табиий. Хўш, уларнинг беназир, машаққатли ишини кимлар уз зиммасига олади? Азиз Ватанимизнинг буюк келажаги илм-фан, жумладан, Шарқшунослик тараққиёти билан ҳам боғлиқ-ку! Зотан, мутасаддилар ва масъулиятли кишилар бу борада жиддий бош қотиришлари зарур.

Хорижий Шарқни ўрганиш муаммоларидан яна бири — Шарқ давлатларидаги илм аҳли билан бевосита алоқа боғлаш, мулоқотда бўлишдир. Маълумки, олимларнинг ўзаро беллашуви, фикрлашуви, тажриба алмашуви илм-фан тараққиётининг муҳим омилидир. Собиқ Советлар даврида шарқшунос олимларимиз марказдаги ва республикалардаги шарқшунослар билан яқиндан ҳамкорлик қилдилар. Марказда ва республикаларда шарқшуносларнинг илмий конференциялари, анжуманлари, семинарлари уюштирилди. Лекин, маҳаллий шарқшунослар чет эллик ҳамкасблари билан бевосита ҳамкорлик қилишдан деярли маҳрум эдилар. Хорижий Шарқ мамлакатларига кўпинча русийзабон олимлар борарди. Чет элларга илмий командировкалар ғоят чекланган эди. Мустақиллик туфайли бу борада ҳам енгиллик ва имкониятлар туғилди. Кейинги уч йил мобайнида шарқшунос олимлар билан хорижий Шарқдаги илмий марказлар, фан ходимлари орасида ҳамкорлик, борди-келди кучайди. Лекин, бу етарли эмас, албатта. Иложи борича мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланмоқ, ўзбек шарқшуносларини тез-тез Осиё ва Африка мамлакатларига юбормоқ зарур.

Яна муҳим муаммолардан бири — шарқшунос олимларни манбалар, адабиётлар, ҳужжатлар билан таъминлаш муаммосидир. Илгари шарқшунослар собиқ марказдаги ва республикалардаги қўлёзма фондларидан, архивлардан, илмий кутубхоналардан фойдаланардилар. Уларда Шарққа оид ғоят қимматли нодир асарлар, манбалар мавжуд эди. Эндиликда биз улардан маҳрум бўлдик. Илгари Москванинг «инжиқлиги» сабабли Лондон, Париж, Қоҳира, Деҳли, Теҳрон ва бошқа марказлардаги ғоят бой қўлёзма фондларидан ноёб манба ва адабиётлардан фойдаланишимиз ҳам қийин кечарди. Валюта етишмаслиги баҳонаси билан, чет эллардаги газета ва журналларга обуна чекланган эди. Шукурлар бўлсинким, мустақиллигимиз шарофати билан бу муаммолар ўз ечимини топаяпти. Лекин бу ҳам қониқарли эмас. Биз, ҳозирги хорижий Шарқни ўрганаётган шарқшунос олимлар, чет эллардаги манбалар, ҳужжатлар ва адабиётларга ҳамон муҳтожмиз, ташнамиз.

Мен шарқшунос-тарихнавис сифатида шарқшуносликнинг баъзи нуқсон, камчиликлари ҳамда муаммолари ҳақида ўз шахсий фикр ва мулоҳазаларимни баён этдим. Умид шулки, касбдошларим ҳам бу борадаги мулоҳазаларини дилдан айтурлар.

**Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими**

---

**Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан**

*Иброҳим РАҲИМ, Узбекистон халқ ёзувчиси*

# ҚАЛАМИ ЖАНГГОҲЛАРДА ТОБЛАНГАН ШОИР

1941-1945 йилларда фашизмга қарши олиб борилган урушда ўзбек ёзувчилари ҳам бир қўлларида қурол, бир қўлларида қалам билан жанг қилган эдилар. Ана шундай баҳодирлардан бири шоир Назармат эди. Уни аскарлар «Шоир командир» дер эдилар.

Назармат Эгамназаров Самарқанд Давлат университетида ўқиб юрган йилларидаёқ «Ёшлик завқи» шеърлар тўплами билан китобхонларга танилган эди. 1941 йили университетни битириб фронтга отланди. Дастлаб уни қўмондонлик кимёвий ҳимоя мактабига, сўнгра Брянск фронтига юборишди. Бу ерда у заҳирадаги 146-полкнинг кимёвий ҳимоя взводи командири этиб тайинланади. Ана шу кезларда фронтда ўзбек тилидаги «Душманга қарши олға» газетасини чиқариш мўлжалланади. Назармат ўзбекистонлик журналистлар Абдулла Саидов, Лутфулла Ҳамроев билан газетанинг илк сонларини чиқаради. Тошкентдан ёзувчи Наби Юсуфий келгандан кейин кичик лейтенант Назармат жанговар командир сифатида Биринчи Гвардиячи Дон танк корпусига кимёвий ҳимоя взводи командири бўлиб боради.

***«То бор менда юрак, қўл,***
***куч, жон, таним,***
***Мен қираман, омон қолмас***
***душманим».***

дейди у корпуса келаркан.

Корпус 1943 йил сентябр ойида Белоруссиянинг Гомел, Речица шаҳарлари яқинида Днепрни кечиб, фашист босқинчиларни яксон этиш жангларини бошлайди. 65-армия қисмлари билан бирга ҳаракат қилаётган гвардиячи танкчилар душман қисмларини иккига бўлиб ташлаб, ҳужумга ўтади. Шиддатли жангларда Назармат Эгамназаров взводи ҳам фаол қатнашиб, Олий Бош қўмондоннинг раҳматномаларига сазовор бўлди.

Назармат Бобруйск ва Минск учун бўлган жангларни ҳамон эслаб юради. Бобруйскда 125 минг фашист босқинчиси ўраб олинган эди. Улар қуршовдан чиқиш учун кечаю кундуз қарши ҳужум олиб боришарди. Лекин бизнинг қўшинларимиз, айниқса, гвардиячи танк корпусининг зарбдор кучлари душманни пайдо бўлган жойида яксон этарди. Назармат взводига кўпинча ўрмонларга беркиниб, қаршилик кўрсатаётган фашист тўдаларини яксон этишни буюришарди. Жангларда взвод йигитлари ўнлаб душманни ер тишлатиб, кўпларини асир олди. Шунга кўра Назармат биринчи бор Қизил Юлдуз ордени билан мукофотланди. У Слоним, Баранович, Брест шаҳарларини озод қилишда ҳам жасорат намуналарини кўрсатди.

Жанглар Полша ерларига кўчганда Назармат мото-ўқчи баталонда командирнинг кимёвий ҳимоя бўйича ўринбосари эди. Нарев дарёсини кечиб ўтишда баталон жангчилари беқиёс жасорат кўрсатдилар. Душман барча техника, авиация ва пиёда кучларини тўплаб, бу қисмни плацдармдан суриб чиқариш учун қаттиқ ҳужум бошлади. Натижада баталоннинг ярим одами сафдан чиқди. Шунда Назармат ўзига хос ибрат кўрсатди. Оғир яраланган рота командири ўрнини эгаллади-да, жангчиларни ҳужумга бошлади. Ана шу жасорати учун иккинчи марта Қизил Юлдуз орденига тақдим этилди.

1944 йил декабрида Назармат 2-Белоруссия фронтида ўзбек тилида чиқадиган «Фронт ҳақиқати» газетасига мухбир қилиб чақириб олинди. У қўлига қурол ўрнига қалам олиб, ватандошлари — ҳужум қаҳрамонлари ҳақида очерклар, хабарлар ёзди. Одер дарёсидан пиёда қисмлар аскарлари билан бирга ўтиб, «Одерни кечиб» деган очерк ёзди. Соҳил жангларидаги жасорати ва газетага муҳим материаллар уюштиргани учун 2-даражали Ватан уруши ордени билан мукофотланди.

Назармат 1947 йилда армиядан бўшаб, Тошкентга қайтди. Узоқ йиллар «Қизил Узбекистон» (ҳозирги «Узбекистон овози») ва «Тошкент ҳақиқати» газеталари таҳририятларида бўлим мудири бўлиб ишлади. Шу аснода 20 дан ортиқ шеърий ва насрий китоб ёзди. Узбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими бўлди. Ҳозир у нафақахўр, шу билан бирга Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси уруш ва меҳнат фахрийлари кенгашининг раиси.

Жангчи-шоир ижодининг бош мавзуси уруш ва тинчлик. У ҳамон қуролдош дўстлари билан учрашиб, уларнинг ватанпарварлик ишларини қаламга олади.

Фашизмга қарши урушда Назармат билан бирга акаси — катта шоир Аширмат ва чегарачи укаси Холмат ҳам иштирок этган. Уч акука жангоҳлардан соғ-саломат, ғалаба билан қайтганлар.

Назарматни Белорусда яхши билишади, шу боис уни тез-тез учрашув-тантаналарга таклиф этиб туришади. Белорус халқ шоири Ригор Бородулин Назарматнинг бир китобини белорус тилига ағдарган, унга бағишлаб «Чилонзор» шеърини ёзган. Дастхатида «Қадрдон Назармат! Сен ҳимоя қилган ва шеърларинг билан ардоқлаган Белорус заминидан сенга таъзим, раҳмат», деган миннатдор сатрларни битган.

Назармат 1986 йилда Белоруссия ёзувчилар уюшмасидан юборилган «Белоруссия адабиёти ва санъати» энциклопедиясининг 3-жилдини олди. Унда «Бизнинг миллий энциклопедиямизда номи абадийлаштирилган, дилларга яқин Назарматта», деган дастхат ёзилганди. Узбек шоирига Полша, Украина, Россия ва бошқа мамлакатларнинг тарихий музейларидан ҳам уруш хотираларини сураб хатлар келиб туради.

Назармат насрда «Қирғоқдаги жанг», «Бурч йўли», «Сайёд жасорати», «Турналар йўли», «Жангоҳдан қатралар» каби ҳарбий мавзудаги туркум асарлар ёзган. Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан эса «Оловли тонг» қиссасини ва «Она кўрсатган йўл» деган очерклар тўпламини нашр эттирмоқда. Бу асарларда адиб ўзи кўрган ва иштирок этган жанглар лавҳаларини, қуролдош дўстларининг баҳодирлигини қаламга олган, учмас хотираларни қоғозга туширган.

НАЗАРМАТ. 1945 ЙИЛ

НАЗАРМАТ

## КУТ, ҚАЙТАМАН

***Соғиниб, ёр, кутар эмишсан,***
***Гуллар аро очилиб ҳуснинг,***
***— Уни кўрсам,— деяр эмишсан,***
***Ишққа тўлиб кетганда кўксинг.***

***Саҳар туриб баҳор боғига,***
***Қўшиқ куйлаб борар экансан,***
***Боғда ўсган ҳар бир мевани,***
***Менга атаб боқар экансан.***

***Тонгда туриб жангга кирганда,***
***Қулоғимга шивирлар ўрмон;***
***Қуёш чиқиб кокил ёзганда,***
***Эслайсанми ёрингни, ўғлон!***

***Дейман: Севги ўчмас аланга,***
***Уни сезар узоқдаги ёр,***
***Қайғурмагин, жонгинам, зинҳор,***
***Кут, қайтаман ғолиб, бахтиёр.***

*Полша, 1944 йил.*

## АБАДУЛ ЯРА

***Айтурлар жангоҳда аччиқ дуд ютиб,***
***Ўт кечган, лекин тиғ тегмаганлар бор,***
***Улар-ку, ажалнинг комидан ўтиб,***
***Душманга ҳеч бўйин эгмаганлар бор.***
***Мард кирса майдонга гаровда жони,***
***Бир ўлим бор дейди эркнинг йўлида,***
***Минг ўлим чанг солар от сурган они,***
***Ўлсам, майли, дейди Ватан қўлида.***
***Ўқ захри, жанг зарби оламда яшар.***
***У башар кўксида абадул яра,***
***Заминдан ғишт кўчса, чўғ ёна бошлар,***
***Ўт такрор бўлмасин, эй инсон, қара...***

---

(Боши 1-бетда)

***Олим десанг олим зўри***
***бизда бор,***
***Ватанимнинг мададкори***
***бизда бор,***
***Юрт қайғуси ҳар йигит, ҳар***
***қизда бор,***
***Мустақил давлатим гуллаб-***
***яшнагай!***
***Ҳайй, гуллаб-яшнагай!***

Бахши ҳамон от устида. Ёши етмишдан уч ёш ҳатлаган бўлишига қарамай йигитлардай шиддатли. Отини ариқ демай, ўр демай суриб ўтади. Отни Чори бахши мақтасин экан, шундай мақтайди, шундай мақтайди, унинг ёнида ҳатто Тоғай Мурод ҳам дафтар-қалам излаб қоларди, ёзиб олай деб. Чори бахши шу отини битта Жигулига алмашмаган. «Фарғонадан бир йигит келди, — дейди бахши, — мойи артилмаган машинамни олиб қеламан, отингизни беринг, ота, деб ялинди...»

Соз-суҳбат, чой-нон, даланинг ҳавоси...

Бахши билан суҳбатлашсангиз ҳеч зерикмайсиз. «Бошидан ўтганларни айтиб бошласа, кўзингизни ёшласа, ғам-андуҳни янчиб ташласа, ғов бўлганларни муштласа»... Беихтиёр таъбингиз равшан тортиб, кўнглингиз, кечинмаларингиз покизаланаётганини сезиб турасиз. Бахши сози ва сўзининг сеҳри шунда — кўнгилни тозалайди, қонни янгилайди, ҳаяжонни парвариш қилади...

Суҳбатимиз Бўка туманининг «Бўстон» жамоа хўжалиги далаларида бўлаётир. Ҳамроҳларим ҳам менга ўхшаб, бахшининг шеърларига маҳлиё бўлиб ўтирибди. Чори ота битта уйдан чиқиб кетиб, урушдан қайтмаган беш нафар оғайнисини эслаганда, юракларимни эзилади...

— Ота, сиёсатга ҳам қизиқасизми? — гапни буради телевидениенинг шоиртабиат ходими Фарҳод Бобожон.

— Қизиқамиз-да, Фарҳоджон, бахши ҳамма нарсани билиши керак, ҳамма нарсадан хабардор бўлиши керак. Мана, масалан, дунёнинг воқеаларини кузатиб, ўзимиздаги тинчлик-осойишталикка солиштириб, яйраб меҳнат қилаётганларнинг ишидан завқланишга не етсин, болам?! Деҳқон учун тинчлик керак, экинини экади, ҳосилини олади, боласини боқади, дунёни тўйдиради. Бахши учун ҳам тинчлик керак, тўй кўп бўлади, жамоат йиғилади, бахши ёниб-ёндириб достон айтади. Шу-да ҳаёт... Тинчлик ҳаммага керак! Фақат ғаламислар, қуролмаслар, жанжалкашларга тинч ҳаёт ёқмайди.

Бахши минг йиллик ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб гапиради, сатж билан, қофиясини келиштириб айтади. Биз оғзимиз очилиб тинглаймиз — Фарҳод, Жаҳонгир, Халил, мен... Биз дала ҳавосини соғиниб, шаҳардан чиққан эдик, Тўйтепадан ўтдик, денгиздан ўтдик, Бўкадан ҳам ўтдик... Чори бахшининг шу атрофда яшаши эсга тушиб, машинани бурганмиз. Шу сайл-саёҳат асносида «Бўстон» жамоа х

# ЗУВАЛАСИ ИЛОҲИЙ

*Машҳур ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиевнинг ижро мактабидан сабоқлар*

Балиқчи туманидаги Эски Ҳаққулобод қишлоғининг аҳолиси асосан деҳқончилик билан шуғулланса-да, аммо улар орасидан зўр полвонлар, усталар, санъаткорлар чиққан. Маҳмадали Убайдуллаев замонасининг ўқимишли, мулла кишиларидан эди. У дутор чалганида қишлоқ аҳли «эриб кетарди». 1923 йили Мулла Маҳмадали оиласида яна бир фарзанд туғилди. Исмини Абдулфаттоҳ қўйдилар. У соғлом, чайир, эпчил йигитча бўлиб ўсди. Қиладиган иши деҳқончилик бўлса-да, отасидан ўтганми ё ҳофиз тоғаси Комилбой Қурбонов таъсиридами, мумтоз мусиқамиз ва адабиётимизга меҳр қўйди. Абдулфаттоҳ дутору танбур чертишда Зокиржон Тўраевдан таълим олди, скрипкани Муминжон Каримовдан ўрганди. Истеъдод зуваласи илоҳий бўлгач, унинг ҳомийлари ҳам кўп бўлар экан. Хонандачиликда Абдулфаттоҳга Умрзоқполвон Сайдалиев ва Беркинбой Файзиев кўмаклашди. Мумтоз мусиқамиз ижрочилик сирларини ўрганишда чарчаш билмади шогирд. Бунда у ибодат қилиб толиқмаган, усталарни пир деб билиб, пирлар этагини имон билан ушлаган муридга ўхшарди. У ижро этган ашулалар — «Аҳд қилдим» (Муқимий ғазали), «Соғиндим» (Нодира ғазали), «Сояйи» (Муқимий ғазали), «Сарахбори Оромижон» (Бобур ғазали) катта ҳофиз туғилганидан дарак берди. Жўрахон Султонов, Абдуллатароқ Файзуллаев даврасига қўшилганида у ҳофиз сифатида шаклланган, ўз йўли, ижрочилик услубига эга, халқ орасида ҳофиз Фаттоҳхон Мамадалиев деб танилган эди.

Баъзи ҳофизларга Худо баланд овоз беради, аммо шу овозни ўта маҳорат билан бошқариш, идора этиш санъатини мукаммал бермайди. Баъзи ҳофизларга овозни устозона идора этиш маҳоратини ато этади, бироқ кичкинагина бир овоз беради. Шу икки нарсанинг биронтаси, яъни овоз баландлиги ю кенглиги ва эшитиш ҳиссининг «ҳамиртурушини» Эгам бермаган бўлса, ун йиллаб қилинган машаққатли машқлар ҳам кишини хонандачилик санъатининг юқори чуққиларига кўтара олмайди. Фаттоҳхон Мамадалиевда ҳам овоз бор, ҳам овозни идора этиш учун зарур бўлган нозик эшитиш ҳисси бор. Исҳоқ Ражабов таъкидлаганидек, мақом ва мақом йўлларидаги асарларни ижро этиш учун ҳофизда катта тажриба бўлиши шарт. Чунки чўқур нафас, паст пардаларда ҳам, юқори пардаларда ҳам бемалол юра оладиган бақувват, ширали овоздан ташқари, қўникматалаб, мураккаб ижро йўлларидаги асарлардир улар. Фаттоҳхон Мамадалиев ижро этган мақом йўлларидан «Сарахбори Оромижон» (Бобур ғазали), «Қашқарчаи Мўғилчаи Дуғоҳ» (Фузулий ғазали), «Чапандози Наво» (Нодира ғазали) ижрочиликнинг нодир намуналаридан ҳисобланади.

Мақом йўлларида ижро этаётган бастакорлар асарларини мусиқа шинавандаларига манзур қилиб етказиш ҳам ижрочига боғлиқ. Шунинг учун бастакорлар аксарият ҳолларда ашулаларини муайян бир ҳофизга атаб, шу ҳофиз айтсин деб яратадилар. Шундай ашулалар жумласига Фаттоҳхон Мамадалиев ижросида машҳур ва манзур бўлиб кетган Тухтасин Жалиловнинг «Жаноним менинг» (Ҳайратий ғазали), Дони Зокировнинг «Эй сабо» (Навоий ғазали), Комилжон Жабборовнинг «Этмасмидим» (Фузулий ғазали) ва бошқалар киради.

Фаттоҳхон Мамадалиев меҳнаткаш, заҳматкаш ҳофиз. Ҳар бир байтни, ҳар бир нағмани аввал чўқур урганади, ҳазм қилади, сўнг зебу зийнатлаб шинавандалар ҳукмига олиб чиқади. Бу ўз-ўзига талабчанлик, ашула муаллифлари ва мусиқа ихлосмандлари олдида масъулият ҳис этиш аломатидир. Мумтоз мусиқамиз халқимизнинг улуғ бир неъмати эканлигини чўқур англаб, уни асраб-авайлаб ривожлантириш масъулиятини ҳис этиб ижод қилаётган Фаттоҳхон Мамадалиев ижрочилик санъати халқаро миқёсда ҳам юқори баҳоланган, тан олинган. ЮНЕСКОнинг халқаро мусиқа кенгаши томонидан ўтказилган «Осиё минбари» деб аталмиш анжуманда (1973 йил, Олма-Ота), анъанавий Самарқанд халқаро симпозиумларида (1978 ва 1983 йиллар) Фаттоҳхон Мамадалиев ижро этган мақом ва катта ашула намуналари муносиб тақдирланиб, дунё радио корпорацияларига фойдаланиш учун тавсия этилди. 1986 йил Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда ўтказилган Осиё халқларининг VI мусиқа минбарида Фаттоҳхон Мамадалиевнинг «Дарду дилим» ашуласини тинглаб, халқаро ҳакамлар ҳайъати бу ижрони юксак баҳолади ва олиймақом ижро деб топди. Мазкур ашула учун Фаттоҳхон Мамадалиевга Улан-Баторда берилган баҳо ҳам хонанда, ҳам бастакорга берилган эди.

Бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев яратган ашулалар мақом, катта ашула ва халқ қўшиқларидан илҳомланиб яратилган ашулалардир. Улар шакли, ички тузилишининг мукаммаллиги, мусиқий жумлаларнинг шеърий жумлалар билан мазмунан уйғунлиги, қочирим, авзларнинг жой-жойида ишлатилиши, яхши маънодаги ғузал бир мунги билан ажралиб туради. Унинг «Фош ўлсин» (Навоий), «Ол хабар» (Муқимий), «Дарду дилим» (Огаҳий), «Улфат билан» (Воҳид Абдулла), «Сенсан ўзинг» (Улфат), «Кетсам агар» (Олимжон Холдор), «Камолингдан» (Ҳайитбой Азимий) каби ашулалари бастакор ижодининг ҳам шакл, ҳам мазмун қирраларини ифода этиши мумкин. Мазмун жиҳатидан Ф. Мамадалиев ашулалари ишқий, фалсафий, насиҳат ашулалардир. Ф. Мамадалиев сўзга талабчан бастакор. Бир йигинда у ўзи басталаган ашулани айтди:

***Мен асир бўлган пари***
***лайли намолардан бири,***
***Кўзлари оҳу, жамоли***
***маҳлиқолардан бири.***
***Тиғи мужгони отувчи***
***қошиёлардан бири,***
***Ошиқ аҳлига вафолик***
***дилраболардан бири.***
***Мен ани ишқида бўлган***
***мубталолардан бири.***

Кўпчилик бу ашула сўзлари кимники эканини билмас эди. Фаттоҳхон Мамадалиев шундай деди:

— Мен яхши шеър шайдоси, ғузал ғазал ғадосиман. Атоқли адабиётшунос олим Азиз Қаюмов баъзан-баъзан ғазаллар битишини билар эдим. Кимдандир Азизхон аканинг «Мубталолардан бири» деган муҳаммаси таърифини эшитиб қолдим. Топтириб, қўйга солдим.

Бастакор Фаттоҳхон Мамадалиев ижодининг сарчашмаси мақомлардир. Мусиқий хазинамизнинг жуда катта қатлами бўлган мақомлар мусиқачиларнинг бир қанча авлоди томонидан шакллантирилди, ривожлантирилди ва мукаммаллаштирилмоқда. Номлари мақомларда сақланиб қолган ўтмиш бастакорлари Исломхон, Насруллоий, Ражабий (XVII аср), Чангийларни мақом йўлларида турли талқинлар беришлари мақомларнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган. Баъзи мақом йўлларининг турли бастакорлар томонидан ижод этилган шаклларининг ҳаммаси ҳам ижро этилиб келинмоқда. Масалан, Ушшоқлар; Шашмақомдаги талқин ва наср шаклида келадиган Ушшоқ, катта ашуладаги Ушшоқ, Ушшоқи Садирхон, Ушшоқи Ҳожи Абдулазиз, Ушшоқи Тўйчи Ҳофиз, Қўқон Ушшоғи ва яна Самарқанд Ушшоғи. Шу каби Тошкент — Фарғона мумтоз куй ва ашула йўлларидан «Мискин» туркумига Фаттоҳхон Мамадалиев ўз талқинини берди: Мискин Іга сўз қўйиб (Муқимий сўзи) авж қўшди ва яна икки тарона, яъни Мискин VI ва Мискин VII ни ижод этди. Шуни ҳам айтиш керакки, асли Мискин V бўлиб келган асар Ф. Мамадалиев талқинида Мискин VI. Чунки мақомлар қонуниятига кўра туркум силсиласида аввал оғир, жиддий усул, кейин аста, енгилроқ, ўйноқироқ усулга ўтилади. Асли Мискин V бўлган асар соқинома усулида, Ф. Мамадалиев яратган тарона қашқарча усулида. Қашқарча Соқиномага нисбатан оғирроқ усул бўлганлиги учун Қашқарчаи Мискин V бўлди, асли Мискин V бўлган Соқиномаи Мискин эса Мискин VI бўлди ва Мискин туркумида нисбатан шўхроқ, ўйноқироқ усул — Уфор Мискин VII бўлиб келди. Супориш билан Сарбозга ўтилиб туркумга якун ясалади. Узвий бир-бири билан боғлиқ тароналарнинг силсиласи орқали мутаносиб нағмаларнинг мазмундор, ёқимли жарангини ифода этувчи бир яхлитлик ҳосил бўлади. Ф. Мамадалиевнинг «Мискини» Ю. Ражабий номидаги Мақом ансамбли ижросида магнит тасмаларига ёзиб олинди ва Ўзбекистон радиоси ҳазиналарида сақланмоқда. Шунингдек, Ф. Мамадалиев талқинидаги Ушшоқ туркуми ҳам Мақом ансамбли ижросида, Муножот туркуми Тошкент Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик қафедраси талабалари ижросида ёзиб олинган ва радио-телевизор орқали эшиттирилмоқда. Ҳозир Уста Насруллоий туркуми устида ишламоқдалар.

Мақом йўлидаги асарларнинг, бир вақтлар ашула бўлиб, кейинчалик сўзлари тушиб қолиб чолғу мусиқага айланганлари ҳам, асли чолғу мусиқа бўлиб, кейинчалик сўз қўйилганлари ҳам бор (Бунга Ф. Мамадалиев сўз қўйган Мискин I далил). Аммо улар ичида унут бўлганлари, ижро этилмай қолганлари ҳам бор. Шулардан бири Тошкент-Фарғона мақом йўлларидан Бузрук чолғу йўли. Бу йўлни тиклаш лозимлигини санъатшунослик доктори Исҳоқ Ражабов 70-йиллар кўп гапирган. Яқин ўтмишда Бузрук чолғу йўли оммавий ижро этилмаса ҳам саноқли созанда санъаткорлар ёдида бўлган. Ёшлигида ана шу созандалар ижросини тинглаган, ўрганган Ф. Мамадалиев Бузрук чолғу йўлини тиклади ва у мақом ансамблари томонидан ижро этиб келинмоқда.

Ф. Мамадалиев ашулалари бадиий баркамоллиги, мусиқийлиги билан мухлислар кўнглини ов лайди. Ана шундай ашулалардан бири «Эслагил» (Ф. Мамадалиев сўзи)ни ҳофиз Америкага ижодий сафари чоғида ватандош-туркистонликлар ҳузурида ижро этди. Уни эшитиб таъсирланган Саудия Арабистонида яшовчи ватандошимиз шоир Тошқин (Комил Абдулла) «Эладим» ғазалини битди ва Тошкентга юмуш билан келганида уни Ф. Мамадалиевга тақдим қилди. Ф. Мамадалиев унга куй басталади. Ҳозирда хориждаги ватандошлар орасида бу ашула кўп машҳур.

1960 йил Тошкентда устоз Юнус Ражабий раҳбарлигида Мақом ансамбли фаолият бошлаганида, вилоятларда, хусусан, Андижонда Ф. Мамадалиев ҳаваскор Мақом ансамбли тузди ва унга бошчилик қилди. Бу ансамбл кўп хорижий сафарларда бўлди, халқаро мусиқий анжуманларда қатнашди, танилди, халқ ансамбли номини олди. Ф. Мамадалиев эса «Узбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди. Ҳурриият Исроилова, Маҳмудхон Йўлдошев, Хуршид Ҳасанов каби ҳозирда таниқли хонандалар Андижон Мақом ҳалқ ансамблида Ф. Мамадалиевдан мақом сирлари, мумтоз хонандачилик илмининг илк сабоқларини олганлар.

Ф. Мамадалиевнинг устоз сифатидаги фаолияти ва ташкилотчилик қобилияти Тошкентга ишга ўтгач ўзининг янги қирраларини кўрсата бошлади. Ўзбекистон телерадиокомпанияси ҳузуридаги Ю. Ражабий номидаги Мақом ансамбли таркиби янгиланиб, ўзгариб турган, қийинчиликларга дуч келинган ҳозирги дамда ансамблда ижодий руҳни сақлаб, янги-янги асарларни ўрганишда, филармония бадиий жамоалари, хусусан «Шодлик» ансамбли ижросида мақом ва мақом асарлари қўпайиб, сифат жиҳатидан яхшиланиб боришида Ф. Мамадалиев ҳизматлари ҳам бор. Яқинда Тошкент Давлат филармонияси қошида Фаттоҳхон Мамадалиев раҳбарлигида ўзбек миллий мусиқаси ансамбли тузилди. Ансамбл таркибида Ўзбекистон халқ ҳофизи Ўлмас Саиджонов билан бирга Марям Сатторова, Ўлмас Оллоберганов, Зуҳра Олимова каби Ф. Мамадалиев шогирдлари бор. Ансамблнинг қамрови кенг. У мақомлар, халқ ижодиётидан ва ўзбек бастакорлари ижодидан намуналар ижро этади. Аммо бундан қатъи назар, умуман, ҳозирги ўзбек миллий мусиқа жараёнида мақом ижро даражасини юқори савияда ушлаб туриш, ривожлантириш учун Ю. Ражабий номидаги Мақом ансамблига назира керак деган фикрни Ф. Мамадалиев бир неча бор айтди. Бу эътиборга молик фикрдир. Агар филармония қошида ёки Тошкент Давлат консерваториясида моҳир чолғучи ва хонандалардан иборат яна бир ростмана Мақом ансамбли тузилса, икки ансамбл орасидаги ижодий мусобақа, умуман, ўзбек мумтоз мусиқаси маданиятини, хусусан мақомларни чўқурроқ англашда, ижрочилигини янада ривожлантиришда, ўзини бойитишда муҳим омил бўлар эди. Республика мақом танловининг мунтазам ўтказилиши, Ражабийхонлик — илмий-амалий анжуманнинг анъанавий бўлишлиги йўлида жонбозлик қилаётган Ўзбекистон халқ ҳофизи Ф. Мамадалиев Тошкент Давлат консерваториясини миллий ўзбек хонандачилиги марказларидан бирига айлантириш, бу санъат даргоҳи имкониятларидан фойдаланиб, мумтоз мусиқамизни янги юксак поғонага кўтариш борасида ҳам фаол меҳнат қилмоқда.

Тошкент Давлат консерваторияси биносининг биринчи табақасидаги иккинчи хона эшиги олдида одам гавжум. Бу профессор Фаттоҳхон Мамадалиев дарс ўтадиган хона. Ташқарида, яқинда буладиган мақом ижрочилари танлови қатнашчиларининг бир гуруҳи, маслаҳат сўраб келган санъаткорлар, шинавандалар Устани кутиб туришибди, ичкарида Уста шогирдлар билан машқ қилмоқда:

***Агар ишқинг ҳавосида***
***ёғар ҳар жало тош ўлсин,***
***Нишона ҳар бирига***
***дерман ушбу хаста***
***бош ўлсин.***

**Зокиржон ОРИПОВ,**
**доцент**

*Шаҳодат ИСАХОНОВА*

# БОБУР МИРЗОГА

## ХОНЗОДА БЕГИМ МАКТУБИ

***Гардун сиздан тонди, юз бурди фалак,***
***Гардун-ку бир урди, юз урди фалак,***
***Кўламингиз олиб, куз берди фалак,***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам...***

***Не тонг, ашъорингиз тошларга дўнди,***
***Қўшиқ, ёр-ёрингиз ёшларга дўнди,***
***Ҳабиб деганингиз лошларга дўнди,***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам...***

***Сим-сим ёшларимни унлар яширгай,***
***Эгик бошларимни тунлар яширгай,***
***Шеърингизни Қайс, Мажнунлар яширгай,***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам...***

***Тангридан ҳабибмас оққушлар сўрдим,***
***Қиличга кўкси чок ҳаққушлар сўрдим,***
***Чечаклар чалгучи олқишлар сўрдим,***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам.***

***Аҳли дунё ўлар, ватанлар ўлмас,***
***Қўшиқлар ўлмагай, ўланлар ўлмас,***
***Ашъорлари шаҳид ўланлар ўлмас —***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим, шаҳзодам.***

***Бехуда изламанг, ёрилтош кўкда,***
***Беминнат, меҳрли ул қуёш кўкда,***
***Ёлғиз ўзи одил, одил тож кўкда! —***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам...***

***Ўзга юртнинг нони оғирдир, иним,***
***Ўзга юртда шоҳ ҳам сағирдир, иним,***
***Ўзга чорангиз ҳам сабрдир, иним.***

***Тангрим сизга берсиз тўзим, шаҳзодам,***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам...***

***Сизни юпатгали калом танладим,***
***Сўзлар мулки ғорат, талон, топмадим,***
***Воҳ, бир дардкаш, аҳли калом топмадим.***

***Тангрим сизга берсин тўзим, шаҳзодам.***
***Ўланим, қўшиғим, сўзим шаҳзодам...***

*Озод ШАРАФИДДИНОВ, профессор*

# ҚАЛДИРҒОЧЛАРДАН БИРИ

Китобхонлар оммасига ўзининг ҳикоялари, қиссалари, романлари билан кўпдан бери танилиб қолган Ҳожиакбар Шайховни ўзбек илмий-фантастик адабиётининг қалдирғочларидан бири, деб атаса бўлади. Бу гапни ўқиган одам наҳотки ўзбек адабиётида фантастика Ҳожиакбар Шайховдан бошланар экан, деб таажжубланиши мумкин. Бунга жавобан айтамизки, албатта, «фантастика» Ҳожиакбар Шайхов дунёга келмасдан аввал ҳам бор эди. «Фантастика» дегани бир сўз билан «хаёлот» деб аташ мумкин. «Хаёлот» эса инсон тафаккурининг мангу ҳамроҳи. Адабиёт, қолаверса, ижод фантастика билан, хаёлот билан бирга туғилади ва у билан қадамба-қадам, ҳамнафас тараққий этади. Бундан неча ўн минг йиллар аввал яратилган, ибтидоий аждодларимиз ғорларнинг деворларига қинғир-қийшиқ қилиб чизиб кетган расмларда ҳам фантастика бор. Халқ оғзаки ижоди-чи? Ўзи учар гиламлар, қанотли отлар, уч бошли аждарлар, бир кўзли девлар ва ҳоказо... Булар ҳам фантастиканинг ижод билан узвий биргаликда қадам ташлашини кўрсатади.



Ҳуллас, адабиёт фантастикасиз, хаёлотсиз бир қадам ҳам олга силжиёлмайди. Ҳўп, шундоқ экан, нега энди XX асрнинг иккинчи ярмида ижод қилган бир ёзувчини ўзбек илмий фантастикасини бошлаб берган қалдирғочлардан бири деб аташ керак? Бунинг боиси шундаки, аввалгари фантастика ижоднинг бир унсури сифатида кўринган, муайян даврда эса у ижоднинг тўлақонли, мустақил бир бўлаги, ўз мавзу доирасига, таъсир воситаларига, поэтикасига эга бўлган алоҳида жанр сифатида шаклланиб бошлайди. Бу жараён, айниқса, XX асрда жуда кучайиб кетди. Негаки, бу асрга келиб, илм-фаннинг жамият ҳаётидаги ўрни беқиёс кенгайди. Натижада, исоният янги-янги чигал муаммоларга рўпара кела бошлади, уларни ҳал қилолмай, боши берк кўчаларга кириб қола бошлади. Буларнинг бари жамиятда илмга, унинг кашфиётларига қизиқишни кучайтирди, одамлар фақат бугунги кунга эмас, эртанги кунга ҳам, ўз тақдирларига ҳам тез-тез назар ташлай бошладилар. Буларнинг бари бутун жаҳон миқёсида илмий фантастикага қизиқишни вужудга келтирди. Шу тариқа, XX аср ўрталарига келганда бутун дунёда фантастик адабиёт гувиллаб авж ола бошлади. Шуниси кишини мамнун қиладики, ўзбек адабиёти ҳам бу жараёндан четда қолгани йўқ. Бир оз кечикиб бўлса-да, яъни 60-йилларнинг охири ва 70-йилларнинг бошларидан бошлаб, илмий-фантастик жанр ўзбек адабиётида ҳам ўз қонуниятларига, ўз спецификасига эга бўлган мутлақо мустақил жанр сифатида шаклланиб бошлади. Бошқача айтганда, худди шу кезларда ўзбек адабиётида илмий-фантастик жанрнинг баҳори бошланган эди. Бу баҳорни етаклаб келган қалдирғочлардан бири Ҳожиакбар Шайхов бўлди. 1972 йилда «Ёш гвардия» нашриётида ёш ёзувчининг «7-СЭР» деган китоби босилиб чиқди. Бу китобнинг номи нечукдир бадиий асар номига ўхшамас, кўпроқ механик ёхуд математикага мансуб китобнинг номига ўхшаб кетарди. Бироқ унинг ўта «илмий» номидан чўчимай, қўлга олиб варақлаганлар китобдан ҳикоялар ўрин олганини кўриб ҳайрон бўлишди. Ҳикояларни ўқиганлар эса уларнинг ўзбек адабиётида бутунлай янги ҳодиса эканига, илм муаммолари ҳақида бадиий шаклда мулоҳаза юритувчи, уларни бадиий воситалар орқали гавдалантиришга ўринувчи асарлар эканига ишонч ҳосил қилишди. Орадан кўп ўтмай, муаллифнинг «Ажиб юлдузлар» деган янги китоби чоп этилди. Бу китоб ҳам фантастик ҳикоялар ва илмий-бадиий очерклардан таркиб топган бўлиб, ёш адибнинг илмий фантастикага қизиқиши ўткинчи ҳавас эмас, балки бутун умрга кетадиган астойдил майл эканидан гувоҳлик берарди. Шунингдек, китобга кирган асарлар Ҳожиакбар Шайховнинг қалами асардан асарга ўткирлашиб бораётганини, ёзувчи ўз устида астойдил ишлаб, жаҳон фантастикасининг ижодий тажрибаларини ўзлаштириб бораётганини кўрсатарди. Шундан кейин Ҳожиакбарнинг ўз китобхонлари пайдо бўла бошлади. Улар адиб асарларини қидириб топиб ўқиш билан бирга, ниҳоят шахсиятига, қандай ҳаёт йўлини босиб ўтганига, эътиқодларига, ижодий ниятларига ҳам қизиқа бошлашди. Шунда маълум бўлдики, Ҳожиакбар ҳали ёш бўлса-да, ҳаётда анча-мунча жиддий синовларга рўпара келган, турли-туман қийинчиликларни кўриб пишиган, ҳаёт қозонида озми-кўпми қайнаб, тажриба орттирган йигит экан.

Ҳожиакбарнинг ота-боболари асли тошкентлик, лекин тақдир уларни она юртдан олисларга кетишга мажбур қилди. Улар большевикларнинг «қулоқларни синф сифатида тугатиш» сиёсатидан қочиб, Шарқий Туркистонга кетишади. Шу сабабдан Ҳожиакбар 1945 йилда уйғурлар ўлкасида Чугучак шаҳрида туғилади. Ҳожиакбар ўн ёшга кирганидагина замонлар ўзгариб уларнинг Ватанга қайтишига йўл очилади. Ҳожиакбар Тошкентда мактабни тугатади ва Беруний номидаги Тошкент Политехника институтининг энергетика факултетига ўқишга киради. 1971 йилда уни муваффақият билан битиргач, ҳар хил ташкилотларда муҳандис бўлиб ишлайди. Ўзбекистон Фанлар академиясининг Электроника институтида хизмат қилади. Бу пайтларга келиб, Ҳожиакбар 5-6 та китоб чиқариб, истеъдодли ёзувчи сифатида танилиб қолган эди. Шунинг учун у муҳандислик-қўйиб, ижодга яқин соҳаларда ишлай бошлайди. Чунончи, у бир неча йил мобайнида «Ёш гвардия» нашриётида бўлим мудири бўлиб ишлайди, кейин Ёзувчилар уюшмаси биринчи котибининг ижодий ишлар бўйича муовини бўлади. Бу вақт мобайнида Ҳожиакбар икки марта собиқ Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар кенгашида иштирок этади. Бу фактни таъкидлаётганимизнинг боиси бор, албатта — кенгашга қуруқ қўл билан борилмайди, ҳар гал унга янги асар олиб бориш керак. Бу асарлар жуда талабчанлик билан муҳокама қилинади ва кўпчиликка маъқул бўлса, ёш ёзувчи учун катта истиқбол йўли очилади. Ҳожиакбар учун ҳам шундай бўлди — унинг асарлари тез-тез марказий матбуотда кўрина бошлади, ҳар хил нуфузли тўпламларда, алманахларда, мажмуаларда босила бошлади. Шундай қилиб, Ҳожиакбар фантаст ёзувчилар армиясининг олдинги сафларидан ўрин ола бошлади. Унинг «Ажиб юлдузлар», «Еттинчи операция», «Ренэ жумбоғи», «Ғаройиб қуланка», «Аждодлар хотираси», «Олмос жилоси», «Телба дунё» асарлари фантастик адабиёт соҳасида сезиларли ҳодиса бўлди. Унинг айрим ҳикоялари, қиссалари Парижда, Испанияда, Чехословакияда, Булгория, Олмония ва бошқа мамлакатларда турли тўпламларда нашр этилган. Ҳозирги кунларда эса унинг китоби Ҳиндистонда нашрга тайёрланмоқда. Бу фактлар ҳаммамизни қувонтирмай қолмайди, албатта.

Ҳўш, Ҳожиакбар Шайхов асарларининг ўзига хослиги нимада? У фантаст ёзувчи сифатида нималарга эътибор беради? Қандай муҳим гапларни кўтариб чиқади? Бу саволга бирон даражада қониқарли жавоб бериш учун унинг бутун ижодини таҳлил қилиш керак. Афсуски, мухтасар мақолада биз бу имконга эга эмасмиз. Шунинг учун бу саволга жуда ихчам жавоб берамиз: албатта, Ҳожиакбар асарларида ҳозирги фантастик адабиётнинг ҳамма зарур белгилари мавжуд, яъни улардаги воқеалар Ердагина эмас, бутун Коинотда, қўшни Галактикаларда содир бўлади. Ҳожиакбарнинг қаҳрамонлари турфа-туман роботлар, ўзга сайёраликлар, одамларга ўхшаган ёхуд ўхшамаган маҳлуқотлар. Бироқ воқеалар силсиласи қанчалик ғайритабиий бўлмасин, қаҳрамонлар қанчалик ғаройиб бўлмасин, улар охир-оқибатда қай бир томонлари билан Ердаги одамларнинг бугунги ҳаётига бугунги ташвишларига боғланиб кетади. Адиб бир-биридан қизиқ, мароқли саргузаштлар тўқиб, китобхон хаёлини банд қилишни эмас, балки инсоннинг мангу муаммоларини ўртага ташлаб, инсон виждонига мурожаат қилиб, уни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва баркамолроқ қилишни ўйлайди. Шунинг учун Ҳожиакбар асарларининг замирида инсон ҳаётининг маъноси, иймони, эътиқоди, ҳалоллик, поклик масалалари ётади. Адиб илмий-фантастик шаклларда эзгулик ва ёвузлик, тўғрилик ва эгрилик, бағрикенглик ва ҳудбинлик ўртасидаги курашни кўрсатади. Худди шу жиҳатлари билан Ҳожиакбарнинг асарлари адабиётга, санъат ҳодисасига айланади ва китобхонларнинг юрагини забт этади.

Ҳурматли китобхон! «Шарқ юлдузи» журнали бу йил 1-сондан Ҳожиакбарнинг «Туташ оламлар» деб аталган янги романини чоп эта бошлади. Бу асар адибнинг ўз-ўзига ва мухлисларига атаган совғаси. Сезган бўлсангиз, Ҳожиакбар Шайхов 1995 йилда 50 ёшга тўлади. «Туташ оламлар» шу қутлуғ санага аталган туҳфа. Муносиб туҳфа! Бу асар бугунги адабиётимиз учун янгилик — беш йил аввал бундай асарнинг пайдо бўлиши мумкин эмас, ҳатто уни ёзишни ўйлаш ҳам душвор эди. Унинг янгилиги шундаки, бу асар ўзбек насридаги биринчи мистик-фантастик роман.

Роман энг мунозарали ва энг қизиқарли муаммолардан бирига бағишланган. Инсоннинг табиати, ҳаёти қанақа — инсон вафот этиши билан унинг ҳаёти тугайдими ёхуд у бошқа шаклларда, бошқа тарзда қайта туғилиб, яшашда давом этадими? Инсон жисми билан руҳияти ўртасида қандай муносабатлар бор? Умуман, моддий дунё билан руҳият дунёси ўртасидаги алоқалар қанақа? Арвоҳлар, Иблис ва унинг малайлари, турли-туман ажиналар бор нарсами ё фақат хаёлот меваси? Эҳтимол, моддиюнчилик суяк-суякларига сингиб кетган баъзи бировларга бундай саволлар жуда жўн ва ҳатто ноўрин кўриниши мумкин. Лекин жаҳон адабиётида бундай муаммолар кўп асрлардан бери диққатни жалб этиб келади. Ҳатто Данте ёки Гетега ўхшаш даҳо санъаткорлар ҳам бу масала атрофида умр бўйи бош қотирганлар. Собиқ совет адабиётида эса бу масалалар ҳақида ёзиш қатъиян таъқиқланган эди. Мана, мустақиллик шарофати билан бундай чеклашлар бекор бўлди ва биринчи мистик роман қўлимизга етиб келди.

Асарнинг бош қаҳрамони уч опа-сингил Назира, Наргиза, Нафисалардир. Улар ўта ажойиб қобилиятга эга — келажакка назар ташлай оладилар, уларга руҳият дунёсининг энг зўр кучлари ҳомийлик қилади. Романда реал одамлар билан бирга Ғавсул Аъзам, ҳазрат Шайхон Тоҳур каби азиз авлиёлар, Иблис ва унинг хизматкорлари, турли-туман олижаноб ва пок одамлар билан бирга ўғри, муттаҳам одамлар, бугунги мафия кучлари ҳам бор. Асарни ўқиш давомида «ҳаёт» деб аталмиш улуғ неъматнинг битмас-туганмас бир уммон эканлиги, унинг сиру асрори ҳадсиз, жумбоқлари мўл эканига, тагига етиб бўлмаслигига ва айни шу хислати билан ҳаёт инсон учун ғоят қадрли ва азиз эканига амин бўласиз. Биз бутун умримизни бебақо деб аталмиш моддий дунёда яшаб ўтамиз, аммо бу дунё билан ёнма-ён, унга туташиб кетган бошқа бир дунё — боқий дунё, руҳият дунёси йўқ эканига ким кафил бўлади?

Ҳожиакбарнинг романи ана шулар ҳақида ўйлашга мажбур этади. Ҳақиқатан ҳам, бу дунё — сирли дунё!

Ҳожиакбар Шайхов ижодининг ажжи ёз палласига қадам қўйди. Унинг ҳаётий тажрибаси бой, билим заҳиралари кенг, қалами ўткир. Бугун у санъат сирларини пухта ўзлаштириб олди. Шунинг учун унга узоқ умр, соғлиқ тилар эканмиз, бу иқтидорли адибимиздан адабиётимизни бойитадиган, маънавиятимизнинг ўсишига ҳисса қўшадиган янги-янги асарлар яратишини кутиб қоламиз.

*Рузимуҳаммад ХОРАЗМИЙ*

# ТЎРТЛИКЛАР

***Дўппинг қўйиб ўтир, сўнг атрофга боқ,***
***Кўриб айтаяпман пандим ол ўртоқ.***
***Ҳар ким дунё топиб рўзғор қилдию,***
***Туядек зар ташиб, еб ўтди янтоқ.***

***

***Беаёв қасд қилгач муз ё тош диллар,***
***Совуғидан сўнди кўп қуёш диллар.***
***Холи эмас замон ўз дилкашидан,***
***Минг шукур сафда бор Ҳайём, Бедиллар.***

***

***Самолардан қайтган мунгли садомен,***
***Ўз сир-асроримни билмай адомен.***
***Ўз уй ўлан-тўшак, чор девор ичра,***
***Бир кун подшо бўлсам, бир кун гадомен.***

*Шавкат АЗИМОВ*

# УРУШ

***Буғдой пишиғида дарз кетди осмон,***
***Жавзода изғирин кеза бошлади.***
***Буғдойдек ўрилди милёнлаб ўғлон—***
***Ўн саккизми-ўн тўққизми ёшлари...***

***Не туйғулар ўлди — нурдек бокира,***
***Тақдирлар чувалди — ечиб бўлмайди.***
***Фақат хаёл қолди. Фақат хотира...***
***Хотирани эса кучиб бўлмайди.***

***Энг тансиқ неъматдир тинчликнинг ўзи,***
***Осойиш кечалар керак инсонга.***
***Жавзода саболар силади юзим,***
***Буғдой пишиғида боқдим осмонга...***

## БИЛДИРИШ

Шу йилнинг 27 апрели, пайшанба куни соат 14-00 да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биносида (Жавоҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй) 1994 йилги адабий танқид ва адабиётшунослик якунларига доир анъанавий йиллик йигилиш бўлади. Унда филология фанлари доктори Нуъмон Раҳимжонов маърузаси тингланади ва муҳокама қилинади.

Йигилишга мунаққидлар, адабиётшунос олимлар, ноширлар, ёзувчилар ва барча мухлислар таклиф этилади.

*ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК КЕНГАШИ*

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси жамоаси республика Матбуотни қўллаб - қувватлаш жамғармаси бошқарувининг етакчи ходими, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

**Хайриддин НАЗИРОВ**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила-аъзоларига ва қавму қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этади.

# ЯХШИ КАЙФИЯТ МУБОРАК!

Самарқандда бир камтар қаламкаш ари бол тўплагандай бетиним изланади, ижод қилади. Аслида, у нозиктаъб яхшигина шоир, пишиқ-пухта ҳикоялар, ажабтовур ҳажвиялар, қиссалар, очерклар, драмалар битишига қарамасдан, бирон-бир суҳбатлардами, асарлари билан бундай мақтангани ёки катта ёзувчи-шоирлик даъво қилганини қурмаганман, эшитмаганман ҳам. Уттиз йилдан буён ўз ишини билиб, жимгина ҳокисорлик билан бадиият бўстонидан гул теради, нектар йиғиб ўқувчиларига бол тарқатади — завқ-шавқ улашади. Унинг шеърлари, очерклари, ҳикоялари, қисса, роман ва драмаларидан парчалар кундалик матбуотда, журналларда мунтазам босилиб туради, радио тўлқинларида такрор-такрор янграйди, нуфузли нашриётларда китоб ҳолида чоп этилиб туради. «Каптарлар», «Шам», «Така», «Орзу қанотида», «Яхши кайфият», «Қаҳрамонлик», «Дардларимни топинг» каби назмий ва насрий китоблари фикримизга гувоҳлик бера олади. Сиз у ёзувчини биласиз, танимайдиган бўлсангиз, марҳамат — биз сўз юритаётган истеъдод соҳиби ҳозирги самарқанд адабий муҳитининг таниқли вакили — Исо АБДУРАҲМОН.

Исо Абдураҳмон ижодида бир устивор фазилат ярқ этиб кўзга ташланади, бу — ҳажвияга жуда мойиллик. Унинг илк юмористик ҳикояларидан бири республика «Табассум» радиожурнали конкурсида биринчи совринни олганлиги бежиз эмас. 1980 йили «Муштум» кутубхонаси» туркуми остида нашрдан чиққан «Яхши кайфият» номли ҳажвий ҳикоялар мажмуасини ҳажвия ихлосмандлари илиқ кутиб олишди, яхши баҳолашди, бу муаллифнинг ўзига ҳам аъло кайфият бағишлади.

Унинг яқинда 20 минг нусхада нашр этилган «Дардларимни топинг» китобига кейинги йилларда ёзган ҳажвиялари, «Отасининг ўғли» номли кичик қиссаси, «Кимга машина керак?» интермедияси ва «Қўшма суд» драмаси жамланган. Олтмишдан ортиқ асарларининг ҳаммаси енгил юмор ва кескир сатира руҳи билан суғорилган, уларда шу кеча-кундузнинг гаплари, турмушда учраб турадиган иллатлар, одамлар феъл-атворидаги қусурлар ва улардан келиб чиқадиган турли-туман кўнгилсиз оқибатлар аёвсиз танқид қилинади.

Ёзувчи қалами остидан чиқаётган ҳар бир асарни мазу-мазмунидан, образлари, тасвирлаш усулигача ҳажв хамиртурушида қориштиради, енгил кулги ёки заҳарханда билан тўйинтиради. Исо Абдураҳмон ижодининг ўзига хослиги ҳам шунда. Китобга кирган ҳикояларнинг мундарижасини жамиятимиз равнақига ғов бўлаётган, ҳаётимизга, инсонийлик шаънига доғ тушираётган қолоқликни фош этиш, маънавий-ахлоқий поклик учун қураш ғоялари ташкил этадики, бу ўринда унинг барча асарлари ҳақида бирма-бир гапириш, ҳар бир ҳажвияни алоҳида-алоҳида олиб таҳлил қилиш, менимча, шарт эмас. Муҳими, ёзувчи мунофиқу иккиюзламачилар, таъмагиру порахўрлар, товламачию мансабпараст ўралар, зиқнаю ҳасадгўйлар, олғиру чайқовчилар, сотқину худбинлар, қисқаси, фазилат ва разолат, яхшилик билан ёмонлик ўртасидаги қурашни ростгўйлик билан таъсирчан кўрсатади.

Китобдан юзингизга табассум эндирувчи ўнлаб миниатюралар, жамоа, давлат мулкини кўз қорачиғидек асрашга чорловчи «Кимга машина керак?» интермедияси ва ҳалолликка даъват этувчи «Қўшма суд» драмаси ҳам ўрин олган. Бу асарларнинг аксари шу куннинг сатира ва юморининг яхши намуналари, улар китобхон қалбига нишли тил, аччиқ ҳақиқат орқали кириб боради ва эзгуликка, яхшиликка ундайди, аҳен-аҳёнда тиниқ ҳаётимизга қунадиган чанг-ғуборлардан тозалайди.

Қадим ва навқирон Самарқандимизда зиёли инсонлар, сўз санъатининг жонкуярлари кўп. Исо Абдураҳмон шундай заҳматкаш қаламкашларнинг бири. Мана, адиб асарларидан айрим намуналар, уларни ўзингиз ўқиб, баҳосини беринг.

**Исроил МИРЗАЕВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

*Исо АБДУРАҲМОН*

## НОХОЛИС ХИЗМАТ

Қаттиқ ухлаб ётган эканман, телефон ўйғотиб юборди. «Азонлаб кимга керак булибман экан», деб эринибгина трубкани олдим.

— Алло, эшитаман.

— Сизни таксомотор паркидан безовта қилаяпмиз,— деди йўғон бир овоз,— ўзингизга маълум, бугун-эрта дам олиш. Эҳтимол, у ёққа бормоқчидирсиз. Сизга такси керак эмасми? Керак бўлса, адресингизни айтинг. Ҳоҳлаган вақтингизда эшигингизда бўлади.

— Йўқ, менга такси керак эмас. Уйда дам олмоқчиман,— дедим.

— Одам уйда яхши дам ололмайди. Уйлаб кўринг.

— Уйлаб кўрдим. Мен ухлашим керак. Кечаси билан ухлаганим йўқ. Тўйда эдим.

— Зоримиз бор, зўримиз йўқ. Кечирасиз.

Трубкани қўйиб, ўрнимга ётдим. Энди кўзим илинганда яна телефон жиринглади.

— Алло, квартиранинг эгасимисиз? — бу сафар аёл кишининг товуши эшитилди.

— Ҳа.

— Саломалайкум. Холис хизмат кўрсатиш бюросидан гапиряпмиз. Уйингиздаги радио, телевизор, соат ёки бошқа электр буюмлардан бирортаси бузилган бўлса, адресингизни айтинг. Биз одам юборамиз, тузатиб беради.

— Бузилган буюмим йўқ. Менга уста керак эмас. Раҳмат! — дедим.

— Ихтиёрингиз... — деди аёл пастроқ овоз билан.

Яна каравотга чўзилдим. Лекин ухлай олмадим. Ҳовлида чумчуқларнинг чирқиллаши ҳам асабимга тега бошлади. Яна телефон... Сакраб туриб трубкага дўқ қилдим:

— Лаббай!!! Нима дейсиз?!

— Алло, сизни уйғотиб юбордим, узр. Бу — гастрономдан... Газетадаги эълонни ўқидингизми-йўқми, дам олиш кунлари харидорлар қимматли вақтларини шовқин-суронли бозорларда, магазинларда ўтказмасинлар, деб махсус хизмат кўрсатиш бригадалари туздик. Сизга гўшт, сут, қатиқ, тухум, сабзавот — хуллас, нима керак бўлса, айтинг. Бир соатда уйингизга етказиб берамиз.

— Менга ҳозир валерианка билан бром керак. Бошқа ҳеч нарса керак эмас!

— Касалмисиз? Ундай бўлса, мен аптекага хабар қилишим мумкин. Адресингизни айтинг.

Трубкани тарақлатиб жойига қўйдим. Кейин уни стол устига олиб ташладим. Бир дона валидол топиб тилимнинг тагига қўйиб олдим... Яна қўнғироқ! Трубка стол устида ётибди-ку... Яна қандай қўнғироқ? Эшикнинг қўнғироғи экан. Очдим.

— Саломалайкум,— деди серсоч, бўғдойранг йигит.

— Ваалайкум...

— Мен «Химчистка»данман. Тозалатадиган кийимларингиз бўлса, беринг. Кечгача тозалатиб келтираман.

— Телефонни узиб қўйиш керак,— дедим жаҳлим чиқиб.— тозалатадиган нарсам йўқ...

— Телефонни? — бирдан ўгирилиб, зинадан пастга қараб чопа кетди.

Уйқу ҳаром бўлди. Ошхонага кириб газни ёқдим. Совуқ сув билан юзимни ювдим. Яна қўнғироқ! Баданимга электр сими теккандай бўлди. Секин туриб эшик томон одимладим. Очдим.

— Саломалайкум. Телефонни узиш керак, дебсиз. Яхши ишламаяптими? Бузуқ бўлса тузатиб қўяй...

— Телефонми?! Ҳозир,— дедим ва бориб трубкани юлиб олдим, — Мана, тузатинг!

Телефонни олиб ерга урмоқчи бўлаётганимда юрагим қаттиқ санчди. Кўзимни очсам, тепамда оқ халатли бир ғўзал турибди. Унинг ёнида бояги йигит. Мен кўзимни очишим биланоқ йигит эшик томон одимлади.

— Яхшимисиз, ўртоқ Раҳмонов? Сиз... сизга валерианка билан бром келтирган эдим... Мана,— деди қиз ва қўлидаги қошиққа дори қўйиб, менга узатди.

Ичдим. Кўзларим олдидаги туман тарқалгандек бўлди.

Қиз ширингина хайрлашиб жўнади.

Шундан кейин бир ҳафта ишлай олмадим: бюллетенда юрдим. Ушандан бери бир ой утяпти. Дам олиш кунлари уйда ўтирмайман. Қўрқаман. Асабларим ҳали жойига келгани йўқ. Мени бу аҳволга келтирган одамлар, улар ишлаётган ташкилотларнинг масъулиятсиз ходимлари ҳақида кўп идораларга шикоят ёздим. Лекин ҳозиргача натижа чиққани йўқ. Нима қилишимни билмайман. Дам олиш кунлари кўнгилдагидек дам олишнинг иложи йўқ. Уз уйингда тинч ўтиришга қўйишмайди-я! Бу қанақа гап ахир, жон биродарлар?!

# СИНОВ

—Мумкинми?

— Марҳамат.

— Чоршанба куни кел дегандингиз. Келдим.

— Ҳа, эсимда, эсимда... Биласизми?... Нима десам сизга?.. Ҳозир вақт йўқроқ эди. Менга қаранг, яхшиси, душанба куни кела қолинг.

— Қайси душанбада?

— Келгуси душанбада-да.

— Кечирасиз, менинг бу ерга нечанчи марта келаётганимни биласизми?

— Учинчи марта бўлса керак.

— Йўқ, кечирасиз, олтинчи марта. Уч мартасида сизни учратолмай кетдим.

— Олти марта денг. Лекин...

— Нима «лекин»? Ишга оладиган бўлсангиз, олинг, олмайдиган бўлсангиз, очиғини айтинг! Эртага кел, индин кел, деб мени сарсон қилишга нима ҳаққингиз бор?! Мен ҳам рўзғорли, бола-чақали одамман, ахир!..

— Бўлди, бўлди!

— Нима «бўлди»?! Мени сарсон қилишга ҳаққингиз йўқ! Устингиздан арз қиламан! Душанба куни келсам, чоршанба куни кел дейсиз, чоршанба куни келсам, душанба куни дейсиз...

— Бўлди дедим-ку!

— Бўлгани йўқ! Узимга бошқа иш топаман. Аммо сиз менинг вақтимни ўғирладингиз, мени икки йўл ўртасида сарсон қилдингиз. Бунинг учун жавоб берасиз. Юқорига арз қилмай қўймайман!

— Баракалла! Ана энди кондукторга ўхшадингиз! Ҳар гал келганингизда овозингиз зўрга чиқарди. Шунинг учун ҳам ишга олсамми-олмасамми, деб иккиланиб юргандим. Вақтингизни ўғирлаганим учун узр. Аризангизни беринг. Эртадан бошлаб ишга чиқишингиз мумкин.

*Чет эл ҳандалари*

## ЁГОЧЛИСИ СОҒЛИҚҚА ФОЙДАЛИ

Бир киши вафот этган қариндошига тобут ясатмоқчи бўлди.
— Қанақа материалдан бўлсин? — суради уста.
— Билмадим, сизнингча, қайси материалдан бўлгани дурust, — деди мижоз.
— Пласмассалиси арзон, темирдан ясалгани мустаҳкам бўлади. Ёгочлиси эса соғлиққа фойдали, — деди уста.

* * *

— Сиз қунбўйи столингизда ухлаб ўтирасиз, мени хонамга бир киринг-чи, — дея бақирди бошлиқ ходимга.
— Кечирасиз, шеф, — деди ходим. — Сизнинг столингизда уйқум келмайди.

* * *

Париж-Лион поезди. Купеда бир аёл ва бир эркак ўтирибди.
Кун кеч бўлди.
Эркак:
— Мадам, турмушга чиққанмилар?
— Ҳа.
— Мадамнинг болалари ҳам борми?
— Иккита.
— Қаттасининг ёши нечада?
— Йигирма олтида.
— Хайрли тун, мадам.

* * *

Икки босқичли қоронғида учрашиб қолишди.
— Пулинг борми? — деди биринчиси пичоқ чиқариб.
— Пулни нима қиласан? — деди иккинчиси чўнтагидан тўппончасини олиб.
— Битта эллик мингталикни майдалатиб олмоқчи эдим.

* * *

Эру-хотин ажрашмоқчи бўлиб ҳамма нарсани бўлишди-ю болаларга келганда ўйланиб қолишди. Чунки уларнинг учта фарзанди бор эди.
Шунда эр:
— Кел, яхшиси, кейинги йилда ажраша қолайлик, — деди.
— Нега? — суради хотини.
— Янаги йилгача яна битта фарзандли бўламиз.

* * *

Бир киши дарёдан балиқ овлаётган эди. Ёнига инспектор келиб деди:
— Бу ерда балиқ овлаш ман қилинган.
— Ҳа, шунинг учун бу ерда битта ҳам балиқ йўқ экан-да, — деди балиқчи.

**Русчадан Б. УММАТОВ таржимаси**



Кўнгил кўнгилдан сув ичар

# САВОБНИНГ КАТТА-КИЧИГИ БЎЛМАЙДИ

*Қуриган ниҳол қаршисидаги ўйлар*

Бу ҳол муттасил ҳар йили такрорланади: баҳор келиши биланоқ шаҳар-қишлоқларимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари бошланади. Шу мақсадда деярли барча меҳнат жамоаларида, маҳалла-қишлоқларда ҳашарлар уюштирилади. Қанчаданқанча вақт, меҳнат ва маблағ сарфланиб, кўчалар ва йўллар бўйлари, турли идора ва муассасалар, корхона ва ташкилотлар, таълим ва тарбия даргоҳлари ён-атрофидаги томорқалар, ҳовлию майдончалар тартибга келтирилади. Шу аснода уларга минг-минглаб туп мевали ва манзарали дарахт ниҳоллари, турфа хил анвойи гул кўчатлари ўтқазилади, айни чоғда, олдин экилганларига шакл берилиб тараб-тарошланади. Кейин эса...

Кейин ҳаммаси унутилади. Кечагина не-не орзу-умидда барпо этилган майсазорлар, эзгу ниятда экилган мурғак ниҳоллар ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Қарабсизки, ҳаял ўтмай, уларнинг аксарияти сўлиб-қуриб нобуд бўлади. Яккам-дуккам кўкарганлари ҳам бегона ўт-ўланлар орасида қолиб кетиб, яхши амал ололмайди. Бизнинг эса, бу билан заррача ишимиз бўлмайди. Чунки «Фалон вақтда фалонча кўчат ўтқазувдинг, уларнинг нечтаси кўкарди, нечтаси ҳосилга кирди?» деб сўрайдиган одамнинг ўзи йўқ. Алқисса, инсон меҳрига муҳтож ниҳоллар кўз ўнгимизда қуриб, чўпга айланаётганини кўрсак-да, билсак-да, ташвишга тушмаймиз, жилла қурса, уволидан ҳам қўрқмаймиз. Аксинча, ишни қотириб қўйгандек, сабр-тоқат билан келгуси йилни кутамиз, келгуси баҳорга умид боғлаймиз...

Табиий савол туғилади: нега шундай қиламиз? Нима учун шахсий томорқамиздаги дарахтни қандай қилиб бўлмасин кўкартириб олишга ҳаракат қиламиз, узоқ йиллар мевасидан баҳраманд бўламизу, узимиз ишлаётган идора-ташкилот ҳовлисига ҳар кўклам қайта-қайта ўтқазган кўчатларимиз нега аксарият ҳолларда қуриб қолади? Ёки, нари борса, меҳнатга яроқли 3-4 кишидан иборат битта оила 10-15 сотих майдондаги экинларни, дов-дарахтларни қандай қилиб баббаравар гуллатиб-яшнатиб, йилига 2-3 мартадан ҳосил кўтаради-ю, ўнлаб, юзлаб, ҳатто минглаб одам ишлайдиган жамоа нима учун тўрт қарич ерни лоақал салгина обод қилиб қўйишнинг уддасидан чиқа олмайди?

Ҳамма бало шундаки, бизнинг феъл-атворимизда, шахсий манфаат майли устун. Чунки шахсий томорқамиз оилавий тўкинчилигимиз, фаровонлигимиз рамзи, ризқ-рўзимиз манбаи ҳисобланади. Ошхонамиздаги томорқа-ҳовли эса шахсан ўзимизники эмас — қўпчиликники! Қўпчиликники дегани эса, ўртадаги дегани бўлади! Ана шу сабабли биз, гарчи ўзимиз ҳам ҳашарларда қатнашган, оз бўлса-да, меҳнатимиз синган эса-да, бу майдончалардаги аҳвол билан унчалик қизиқмаймиз, уларга шахсий томорқамизга бўлган даражада меҳр қўймаймиз. Кўздан эътиборан ташландиқ ҳолда қолиб кетган ерни авжи баҳорда қўпчилик бўлиб, наридан-бери чопиб-ағдариб чиқамиз. Шоша-пиша кўчат ўтқазиб, экин экамиз. Шунда ҳам қай биримиз астойдил тер тўкамиз, қай биримиз қўл учида ишлаймиз.

Ҳолбуки, донолар нақли бор: «Ишхона — пирхона!» Бу демак, аслида ишхонамизни ҳам туз ичган ўз уйимиз янглиғ қадрламоғимиз, мўътабар тутмоғимиз лозим. Негаки, узоқ йиллар давомида умримизнинг энг жўшқин, энг фараҳбахш дамлари ишхонамизда ўтади. Биз шу ерда меҳнат қилиб, эвазига оила тебратамиз, шу ерда дўст-биродар орттириб, обру-эътибор топамиз. Бас, шундай экан, унинг ён-атрофи обод ва кўркам бўлиши учун озгина қайғурсак, шу мақсад йўлида бош қовуштирсак, асло кам бўлмаймиз. Агар бундай жиддийроқ ўйлаб, тадбиркорлик билан иш тутсак, ишхоналаримиз тевараги ҳам гуллаб-яшнаши, юртимиз кўркига янада кўрк бағишлаши мумкин. Йирик меҳнат жамоаларига қарашли каттароқ томорқалар эса пировардида мева-чева мўл-кўллигига, бозорлардаги серобгарчилик ва арзонгарчиликка муносиб улуш қўшиши тайин. Бундай дейишимнинг боиси — жумҳуриятимиздаги баъзи корхона ва ташкилотлар бир вақтлар бу борада яхшигина тажриба тўплагандилар. Уларнинг томорқа хўжаликларида етиштирилган мева-чевалар, турли хил сабзавот маҳсулотлари вақти-вақти билан шу даргоҳда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга арзон нархларда тарқатиларди. Назаримда, кейинги йилларда бу хайрли ишга эътибор бирмунча сусайгандек,

**МУҲОКАМА УЧУН МАВЗУ**

идора-ташкилотлар томорқачилигини ривожлантиришга иккинчи даражали иш сифатида қараш майллари пайдо бўлгандек. Оқибатда айрим ишхоналардаги мевали боғлар завол топяпти, уларни янгилаб, кенгайтириш назардан четда қоляпти.

Хўш, бундай нохушликларга барҳам бериш учун нима қилиш керак? Менимча, бунинг учун жамоаларда йилда бир-икки бор ҳашар уюштиришнинг ўзи камлик қилади. Шунингдек, томорқадаги бутун юмушни биргина қоровул ёки ҳисобдаги боғбон зиммасига юклаб қўйиш билан ҳам иш битмайди. Аниқроғи, кичкинагина алоҳида боғдорчилик ёки деҳқончилик жамоаси тузиб, томорқани унга бириктириб қўйиш ёки ижарага бериш лозим. Бунинг учун четдан одамларни ишга олиш шарт эмас, балки шу корхонанинг деҳқончилик ва боғбонликка ҳавасманд ходимларини жалб этиш кифоя. Улар ишдан бўш соатларида, дам олиш кунларида жамоа томорқасида меҳнат қилиб, бекор ётган ерларни ўзлаштиришлари, дов-дарахтлар ва турли экинлар парвариши билан шуғулланишлари мумкин. Айни чоғда, сих ҳам, кабоб ҳам қуймаслиги учун, корхона маъмурияти уларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериб, узаро шартнома тузса, ўринли бўлади. Унда боғдорчилик жамоаси қанча ҳосил етиштириши, шундан қанчаси корхона ишчи-хизматчиларига ёки бозорга олиб чиқиб сотилиши, тушган даромаднинг неча фоизи ишхона жамғармаси ҳисобига ўтиши, қанчаси боғбонларга берилиши лозимлиги ўз ифодасини топиши даркор. Шу тариқа иш юритилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Биринчидан, ҳар йили ўтказилаётган ниҳоллар қаровсизликдан нобуд бўлмайди, иккинчидан, ишчи-хизматчилар ҳадеб бозорга югураверишга азобидан бирмунча қутуладилар, айрим озиқ-овқат маҳсулотларини шу ернинг ўзидан арзонроқ нархда харид қилиш имконига эга бўладилар. Энг муҳими эса, корхона ёки ташкилотларнинг томорқалари эгасиз қолмайди, ернинг ҳам умри беҳуда ўтмайди.

Эҳтимол, бу фикр-мулоҳазаларим кимларгадир эриш туюлар, эҳтимол, «Кунимиз келиб-келиб ишхонамиз ён-веридаги бир парча ерга қолганми?» деган эътирозлар ҳам билдиришар. Лекин, менимча, ерга, табиатга, ризқ-рузимизга дахлдор масаланинг, савоб янглиғ, каттакичиги бўлмайди. Ҳар қандай катта вазифанинг ечимини топиш аввало кичик муаммоларни ҳал этишдан бошланади.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ**

# АДАБИЁТИМИЗНИНГ ЯНГИЛАНИШ ДАВРИ

Узбекистон Ёзувчилар уюшмаси наср кенгашида 1994 йилда яратилган проза асарлари муҳокамасига бағишланган йиллик муҳокама йиғилиши бўлди. Ўтган йили нашр этилган йирик проза асарлари ҳақида ёзувчи Шойим Бутаев, қисса ва ҳикоялар таҳлили бўйича адабиётшунос Абдулла Улуғовларнинг маърузалари тингланди.

— Узликни англаш йўли адабиёт орқали ўтади, — деди Ш. Бўтаев. — Бугунги ҳаётнинг асл қаҳрамонлари кимлар, адабиёт кимларни ўзига идеал қилиб танлаши лозим. Асрлар бўйи орзу қилиб келинган комиллик сари қайси йўллар билан борилади?

Маърузачи ўтган йили китобхонлар ҳукмига ҳавола этилган Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили», Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам», Улмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра», Отаулининг «Тилсим» асарлари ҳақида фикр юритар экан ўз мулоҳазаларини воқелик қамрови, қаҳрамонлар талқини, тил хусусиятларига кўра қиёсий таҳлиллар асосида баён этди. Одил Ёқубовнинг янги романида тасвир тиниқ, қаҳрамонлар ўз тили билан сўзлайди. Юрт манзаралари тасвирида ёзувчи қалби акс этиб туради. Асар тилига жозиба бахш этган ҳам юрт муҳаббатидир.

Маърузачи Омон Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» асари фазилатлари, унинг тил хусусиятлари, ўзига хос янгича услуби ҳақида ҳам фикр юритди. Отаулининг «Тилсим» асарида пишиқ-пухта ишланган саҳифалар талайгина, бироқ қандайдир баландпарвозлик бадиий савиясига соя солиб тургандек, қаҳрамонлар бир хилда гапиришади, деди. Улмас Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра»си детектив жанр имкониятлари доирасидаги яхши асар. Унда романнинг руҳий ҳолатига, табиатига сингишмайдиган эртакнамо саҳифалар ҳам талайгина бўлишига қарамай асосий қаҳрамон Зуҳрани ўқувчига яқинлаштирадиган жиҳатлар анчамунча. Энг муҳими, ундаги қасос туйғуси табиий. Ш. Бутаев ўз маърузасида Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» деб номланган хотира китоби фазилатларига ҳам тўхталиб ўтди.

Ўтган йили ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган қасса ва ҳикоялар ҳақида маъруза қилган Абдулла Улуғов «Кичик прозамизда замонанинг шиддат ва рафторига мослашиш жараёни кечмоқда. Замона зайли адабиётга муносабатимизнигина эмас, феъл атворимизни ҳам ўзгартириб туради. Бироқ шунга қарамай рост сўзнинг қадри ҳамиша баланд», деди. Маърузачи ўтган йилги кичик проза асарларини сўз, тил нуқтаи назаридан таҳлил этиб, Асқад Мухторнинг «Инсонга қуллуқ қиладурман» китобига кирган «Фано ва бақо» ҳикоясини, шунингдек, Шойим Бутаевнинг «Кеча ва бугун» тўпламига кирган кўпчилик ҳикояларни бугунги насримизнинг энг яхши намуналаридан бири сифатида баҳолади. Шукур Холмирзаевнинг «Озодлик» ҳикояси завқ-шавқ билан ўқилади, Назар Эшонқулнинг «Ҳаёл тузоғи», Хуршид Дўстмуҳаммаднинг «Бугун эрталаб» ҳикоялари қаҳрамонлари саволларга жавоб излайди.

А. Улуғов Набижон Боқийнинг «Гулзамира», Мирзапўлат Тошпўлатовнинг «Санам гулханлари», Насрулло Қобулнинг «Ёғий», Тоҳир Маликнинг «Ов» қиссалари фазилатлари хусусида ҳам атрофлича фикр юритди.

Адабиётимизнинг бугунги қиёфаси ҳақида гапирганда шуни назарда тутиш керакки, мустабид тузумнинг сўнгги қирқ-эллик йили мобайнида яратилган бадиий асарларнинг аксариятида, айрим тарихий мавзудаги асарларни истисно этганда, воқелик бир томонлама акс эттирилган, мафкуравий тазйиқлар ҳақиқатни рўй-рост тасвирлаш имконини бермаган эди. Биз бадиий асарларни унда кўтариб чиқилган, бевосита қаҳрамонлар тақдирида, тўқнашувларда, адибнинг ҳаётий позициясида акс этган муаммолар талқинига кўра баҳолашга ўрганиб қолган эдик. Тургунлик даврида узбек адабиётида ажойиб проза асарлари яратилганига қарамай уларнинг кўпчилиги муаммолар адабиётининг намуналари эди.

Бу ҳол ёзувчиларнинг тасвир услубларигагина эмас китобхону адабий танқид мутахассисларининг бадиий асарларни баҳолаш тамойиллари, бадиий дидларига ҳам сингиб кетган эди, десак хато қилмаймиз. Ҳаётда дилдагини тилга чиқара олмаган китобхон истеъдодли шоир ва ёзувчиларнинг асарларига умид боғларди. Адабиёт баъзан рамзий ишоралар, қаҳрамонлар моҳияти, тўқнашувлар талқини, баъзан ёзувчининг позицияси билан бўлсада, мана шу эҳтиёжни қисман қондирар эди. Шундай бўлса ҳам 20-, 30-, 50-йиллардаги миллий қатағон даврлари рўй-рост акс этган асарларимиз йўқ ҳисоби. Хўш, адабиёт уларни ўз ҳаққонияти, ўша давр ҳақиқатлари билан рўй-рост тасвирлаши керакмиди, йўқми? Керак эди. Вақтида ёзишнинг имкони бўлмаган бўлса бунинг учун ижодкорлар айбли эмас. Мустабид тузумнинг ура-ура шиорлари, миллий манқуртликнинг томир ёйиши бунга имкон бермаган эди.

Бугун биз Ватанимиз мустақиллиги боис бундай балолардан қутулдик. Эркин адабиётнинг замони келди. Энди биз муаммолар адабиётидан санъатнинг асл реалистик табиатига қайта бошладик. Бу адабиёт асосий эътиборини муаммо кўтаришга эмас, ҳаётий қаҳрамонларни, чин инсон образини яратишига қаратмоқда. Ҳозиржавоб жанр сифатида публицистикамизда миллий қатағон даврлари, унинг моҳияти, экологик фожиаларнинг ҳали кўп йиллар ўзини эслатиб турадиган оғир асоратлари ҳақида кўп ёзилди. Бироқ ҳали адабиётимизда, хусусан, бугун озодликка чиққан адабиётимизда ўша мудҳиш даврларнинг ҳақиқатлари, ижтимоий, маънавий, фалсафий моҳияти теран акс этган асарларимиз ниҳоятда кам, йўқ, десак ҳам бўлади.

Ўтган йили китобхонлар эътиборига ҳавола қилинган Одил Ёқубовнинг «Адолат манзили» романи мана шу бушлиқни тўлдиради.

Маърузалар юзасидан сўзга чиққан Н. Худойберганов шу хусусда фикр юритиб, адабиётимизда янгиланиш жараёни бошлангани сезилиб турибди, деди. Мени хурсанд қилган нарса шуки, О. Ёқубов анъанавий тасвир усулларини давом эттириб янги роман туҳфа этди. Назар Эшонқул, Хуршид Дўстмуҳаммад асарларида янгича тафаккур юз курсата бошлади. Хайрулла, Фахриёр, Шодиқул Ҳамро сингари ёш ёзувчиларимизнинг бадиий имкониятлари катта. Бироқ уларнинг ҳаракатларида изчиллик етишмаяпти.

У. Норматов ўз сўзида услубдаги анъанавийлик ва янгича йўллардан бориш масаласига ойдинлик киритди. «Адолат манзили» анъанавий услубда ёзилган деган фикрга мутлақо қўшила олмайман, деди. Сўнгра Х. Дўстмуҳаммад, Ш. Бутаевларнинг ҳикоячиликдаги муваффақиятларига тўхталди. Р. Қўчқор маърузалар юзасидан фикр билдириб, ўтган йилги асарлар яхши таҳлил этилмади, деди. О. Мухторнинг «Кўзгу олдидаги одам» романи адабиётимиз учун янги эксперимент, унда янгича тафаккур бор, мулоҳазага арзийди, Ш. Холмирзаевнинг «Озодлик», «Кўз қорачиғидаги уй» ҳикоялари яхши эди. Бироқ «Улдирса мард улдирсин» ҳикояси, шунингдек У. Умарбековнинг «Фотима ва Зуҳра» асарлари тўғрисида ижобий фикр билдириш қийин, деди.

Одил Ёқубов ўз сўзида реалистик тасвир усулини эскича йўл деб қараш хато эканини айтди. Адабиётда услублар ранг-баранглигини ҳеч ким инкор этмайди. Бироқ китобхонга, халққа сингмайдиган, худди узоқ ўлкалардан кўчириб олиб келинган дарахт мисоли табиатимизга мослаша олмайдиган, халқимиз руҳиятига мувофиқ келмайдиган услубларга маҳлиё бўлиш ўз-ўзини алдашдан бўлак нарса эмас. Биз қандай услубда ёзмайлик халқнинг руҳига қувват бўладиган, маънавиятини бойитадиган, севиб ўқиладиган асарлар яратайлик, деди.

Муҳокамада сўзга чиққан П. Шермуҳамедов, Ҳ. Абдусаматов, Х. Дўстмуҳаммадлар ҳам ўтган йил прозасининг ютуқ ва камчиликлари хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Йилнинг энг яхши асарларини мукофотларга тавсия этишни таклиф қилдилар.

Муҳокамани ёзувчи Мирмуҳсин олиб борди.

**М. АБДУЛЛАЕВ**

## ОЙБЕК — АДИБ ВА ИНСОН

Биз одатда машҳур адибларни улар ёзган асарлари орқалигина биламиз, шахсий ҳаётини, инсон сифатидаги қиёфасини, кўпинча, билмаймиз. Сўз аҳлининг ҳаётда қандай одам бўлганини билишда эса, улар оила аъзоларининг, сафдошлари ва дўстларининг, умуман, замондошларининг хотиралари яхши манбадир. Ойбек домла ҳақида ҳам кўп хотиралар эълон қилинган, «Ойбек ва Зарифа» мажмуаси, адибнинг рафиқаси Зарифа Саидносированинг «Ойбегим менинг» хотиралар китоби босилиб чиққан. Лекин атоқли сўз санъаткорининг бой маънавий дунёсини, одатларини, одамларга муносабатини очиб берадиган, ҳали ёзилмаган, ёзиб олинмаган қимматли хотиралар кўп. Шу йил 14 апрел куни Тошкент Давлат шарқшунослик институтида Ойбек таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб ўтказилган хотира анжуманида ҳам адибни яқиндан билганлар, у билан ҳамсуҳбат бўлганлар устоз ёзувчи ҳақидаги эсдаликларини талабалар, институт профессор-ўқитувчиларига сўзлаб бердилар.

Адабий мажлисни институтнинг ўқув ишлари бўйича проректори Абдураҳим Маннонов очиб, шу институт муаллимаси, шарқшунос олима, Ойбекнинг қизи — Гулранг Тошмуҳамедовага сўз берди. Гулранг опа отаси, оиласидаги баъзи одатлар, Ойбекнинг фарзандларига муомала-муносабати ҳақидаги қизиқарли воқеаларни ҳикоя қилар-кан, ўзига отаси 1949 йили Кисловодскдан ёзган мактубини ўқиб эшиттирди. Сўнгра Узбекистон халқ шоири Жамол Камол, профессор Наим Каримов, шоир ва драматург Эркин Самандаров, УзФА мухбир аъзоси Бахтиёр Назаров улуг ёзувчининг ижоди ва инсоний фазилатлари, у киши билан учрашувлари тўғрисидаги хотираларини сўзладилар.

**С. МАҲМУДОВ**

## ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Узбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг Республика ўрта - махсус санъат мактаб-интернати 7 ёшга тўлган, тасвирий санъат ва мусиқага қобилиятли, жисмонан соғлом ўғил ва қизларни ўқишга қабул қилади.

Ўзбек миллий чолғу асбоблари гуруҳига 10 ёшга тўлган ўқувчилар қабул қилинади.

Аризалар 1995 йил 1 майдан 29 майгача қабул қилинади. Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.

Манзилгоҳ: 700152, Тошкент шаҳри, А.Икромов тумани, 22-мавзе, 1 «А» уй.

Автобуслар: 2, 33, 41, 77, 78, 87. Троллейбуслар: 12, 13 «Москва остонаси» бекати (Подмосковная) Маълумот учун телефонлар: 749221, 749644.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI
1995 йил
Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: қабулхона — 33-52-91, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-56
* * *
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ
Таҳрир ҳайъати: Мурод АБДУЛЛАЕВ (назм ва наср бўлими мудири), Дадахон ЁҚУБОВ, Одил ЁҚУБОВ, Анвар ЖАББОРОВ, Баҳодир ЖАЛОЛОВ, Ашурали ЖУРАЕВ (санъат бўлими мудири), Маҳмуд САЪДИЙ (танқид ва адабиётшунослик бўлими мудири), Шароф УСНАТДИНОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Иброҳим ҒАФУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Беккул ЭГАМҚУЛОВ (масъул котиб)
Навбатчи муҳаррир —Раззоқ ШОЙМАРДОН
*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0151. 19828 нусхада босилди, ҳажми — 2 босма табо